

МУЗЛАТАРИННИНГ
КЕЛИШИ

уёш чарақлаб турган куни бир квартира-га холодильник олиб келишди. Ишбилармон, серзарда ҳам-моллар холодильникни ошхонага апил-тапил олиб кириб қўйишди-да, уй бекаси билан бирга чиқиб кетишди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Шунда холодильник орқасидаги қоплама чамбарак тирқишидан кўриниши ғалати миттигина бир одамча чиқиб, ерга тушди. Елкасида худди гаввосларникига ўхшаш, жимитдайгина газ баллони. Оёқчаларию қўлчаларига катта-катта резина сўрғичлар кийиб олган бу одамча пастга тушди-да, узоқроқдан туриб холодильникни кўздан кечирди. Кейин бирданига юқорига — ҳозиргина қирилиб сири кўчган жойга, худди пашшага ўхшаб, тирмашиб чиқа бошлади. Бир зум ўтар-ўтмас холодильникнинг қордай оппоқ сиртидаги қоп-қора доғ эриб йўқ бўлиб кетди. Уни оқ бўёқнинг тўзғиган булути эритиб юборди.

Ошхона деворида каттакон қадимий соат осиглиқ турарди. Минорачали, йўғон, қуйма шишали, катта кафтгирли бу соатнинг циферблати устида каккуча кириб-чиқиб турадиган дарча бор эди.

Ана шу соатнинг биқинидаги кичкинагина эшикча очилди-да, пастга ип нарвонча осилиб тушди. Нарвонча ерга тегар-тегмас бўлиб тўхтади. Холодильникдан чиққан одамча ўгирилиб тепага қаради. Тепада у бошқа бир, афтидан соат хўжайини бўлса керак, митти одамчани кўрди.

Соч-соқоли оппоқ, олдига қора пешбанд тутиб олган, кўзларига зарҳал гардишли кўзойнак таққан бу кимса кекса соатсоз эди.

— Саломатмисиз,— деди қария.— Ишингизни битиргандан кейин марҳамат қилиб буёққа чиқинг. Чойим қайнаб турибди. Йўл азоби — гўр азоби. Отамлашиб ўтирамин.

— Саломат бўлинг, раҳмат,— деди янги келган одамча.— Бирпасдан кейин чиқарман.

У пастга тушди. Асбоб-ускуналарини холодильник остига олиб кириб қўйди-да, ип нарвончадан ўрмалаб, меҳмондорчиликка жўнади. Соат хўжайини уни бўсағада кутиб олди.

— Иван Иванович Буре,— дея ўзини таништирди қария, айни пайтда таъзим бажо келтирди.

— Музлатарин,— деди меҳмон.

— Марҳамат, ўтинг.

Улар тик айланма зинапоячалардан юқорига қараб кўтарилишди. Музлатарин кўзлари олма-кесак териб, ён-верига қизиқиб аланғлар эди. Зинапоя тутқичининг нариги ёғида ишлаб турган соат механизми кўзга чалинарди.

Аллақандай ғилдираклар тебраниб-тебраниб айланар, ялтироқ, тишли ғилдиракчалар бир маромда ғичирлар, соат кафтгирининг лиқилдоғи эса уёқдан-буёққа бориб келгани-бориб келган эди.

Зинапояча уларни кенг-мўлгина хона-майдончага олиб чиқди. Хона ўртасида стол, стол устида самовар. Бир томонга устида ёстиқлар тоғдай уюлиб турган каравот девор ёқалатиб қўйилган, деворнинг бошқа тарафида — ялтир-юлтир ошпоқ асбоб-ускуналар, ҳар хил жез аслаҳа-жиҳозлар, дастгоҳ. Хужра ниҳоятда саранжом-саришта, ҳамма нарса жой-жойида, батартиб.

Қисқаси, бу хужра турар-жойдан кўра кўпроқ қадимги аллақандай машҳур алломаларнинг уй-музейини эслатарди.

Деворнинг стол турган жойида дарча. Дарчанинг сербаргина токчасида оғзи ланг очик, кўзлари чақчайган каттагина каккуча мадраб ўтирарди. Ўзи қизил, қанотлари сап-сарик.

Бор-йўғи шу.

Пастда, пол тагида эса соат механизми хўрсинар, тинимсиз чиқ-чиқлар эди.

— Анча бўласизми бизникида? — деб сўради соатсоз усти стаканларга чой қуяр экан.

— Икки ой.

— Намунча оз? — дея ҳайрон бўлди Иван Иванович.— Кифолат муддатингиз шунақа қисқами?

- Йўқ,— деди меҳмон.— Кафолат муддатим одатдаги-

дай — икки йил. Гап бошқа ёқда. Менинг холодильниким прокатга олинди. Чорбоққа олиб кетиш учун. Ўзингиз бу ерда кўп бўласизми?

— Бир умр шу ерда қолиб кетмасам деб қўрқаман.

— Бир умр?! Нима, бу соатнинг кафолати шунча узоқми? — деб ҳайрон бўлди меҳмон.

— Кафолати одатдагидай,— деди мезбон.— Гап шундаки, бу соатни ясаган завод аллақачон бузилиб кетган. Қайтиб борадиган жойим йўқ. Шунинг учун, мана, олтмиш йилдан бери шу ерда яшаб келяпман. Кўз тегмасин, соатим янги соатлардан қолишмайди. Секунд секундига тўғри юради.

Қария чўнтагидан миттигина соатчасини олиб, кўз югуртирди.

Бошини даричадан чиқариб, соатини катта циферблат милига солиштирди. У ҳам, бу ҳам роппа-роса ўн бирни кўрсатиб турарди.

— Машка,— деди Иван Иванович каккуга қараб.— Вақт бўлди!

— Бўлмади,— деди дабдурустдан какку.

— Бўлди, деяпман!

— Бўлмади, деяпман!

— Нима гап ўзи, тинчликми? — деди қария зардаси қайнаб.— Нимага куккуламаяпсан?

— Кимга куккулай, уйда ҳеч ким бўлмаса? — деди Машка.

— Нима қипти? — деди Иван Иванович.— Сен биров учун куккуламайсан, куккулаш керак бўлгани учун куккулайсан. Куккула деяпман сенга!

Какку, худди бировни масхара қилаётгандай:

— Кук-ку, кук-ку, кук-ку,— дея тез-тез куккулаб ташлади. Ишқилиб,яна бошимни қотирмасанг бўлди, дегандай, тумшугини даричадан нари-бери чиқариб, ўн бир марта куккулади.

Кейин яна дарича тоқчасига жойлашиброқ ўтириб олдида, мудраб хаёлга толди.

— Кундузиям кук-ку, кечасиям кук-ку! Бир соат ўтсаям кук-ку, ярим соат ўтсаям кук-ку! Қачон уйқу кук-ку бўлади?! — дея уйқу аралаш жавварди у.

— Яна кимлар бор? — дея сўради Музлатарин, куккулаш можароси тинчигандан сўнг.— Ўзимизникилардан борми?

— Бор, бор — деди Буре.— Ҳозир кўрсатаман.

Улар яна ўша ички айланма зинапоядан юқори кўтарилишди, тепага — балконга чиқишди.

— Ошхонада битта ўзим тураман,— деди соатсоз уста.— Тикув машинасидан ҳам бир одамча бор эди. Кетиб қолди. Кафолат муддати тугади. Анави хонада ўзимизнинг яна иккита одам бор. Биттаси чангютгичда, биттаси радиоприёмникда. Сизни ҳали улар билан таништириб қўяман. Лекин биласизми,— деди у соатига қараб.— Ҳозир, бир-икки минутлардан кейин уй эгаларининг қизчаси келиб қолади. Ихтиёр сизда: хоҳланг, меникида қолинг, хоҳланг, жойингизга боринг? Яхшиси, шу ерда қолақолинг.


— Йўқ-йўқ, жойимга бораман, жойимга бораман,— деди шоша-пиша Музлатарин.— Ҳали қиладиган ишларим бошимдан ошиб ётибди. Ашқол-дашқолларим ҳам йиғиштирилмаган.

— Ундай бўлса, бўлақолинг, жаноб,— деди қария.— Қизалоқ тушмагур жуда шўх: олдинроқ ҳам келиб қолиши мумкин.

Холодильник одамчаси апил-тапил пастга тушди-да, югуриб бориб жойига ўтириб олди. Иван Иванович ҳам шоша-пиша ип нарвончасини йиғиштирди. Улгурганини қаранг: худди шу маҳал кимдир кўча эшикка калит солди.



Иккинчи боб ЧАНГЮТГИЧДАН ЧИҚҚАН ОВОЗ



ун эди, ҳамма ухлаётган эди. Адаси ҳам, аяси ҳам, уларнинг қизалоғи Таня ҳам ухлаётган эди.

Соат даричаси очилиб, какку Машка жон-жаҳди билан куккулаб, ярим кеча бўлганини маълум қилди. Шу заҳоти холодильникда, соатда, радиоприёмникда ҳам эшикчалар очилиб, кафолат одамчалари пастга туша бошладилар. Ҳар бир одамчанинг қўлида биттадан қўлчиरोқ.

Хоналар қўқиб ётарди! Чамадонлар, саватлар, тўп-тўп қилиб бойланган кастрюлькалар, чойнаклар дуч келган жойда турарди. Уй эгалари чорбоққа кўчиб кетиш тадоригини кўриб қўйган эдилар. Одамчалар ошхона ўртасида тўпланишиб, бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Бу киши янги ҳамхонамиз бўладилар,— деди Иван Иванович.— Исми шарифлари Музлатарин.

— Сўнгги Ахборот,— дея ўзини таништирди радиоприёмникдан чиққан одамча.— Анча бўласизми бизникида?

— Икки ой! — дея жавоб қайтарди Музлатарин.— Холодильнигим қарзга олинган. Чорбоққа олиб кетиш учун.

— Чангютарин кўринмайди,— дея сўради Иван Иванович.

— Ухлаяпти, ҳар доимгидай,— деди Сўнгги Ахборот.— Юринглар, уйғотамиз.

Одамчалар бурчакдаги шкаф ёнида «Урал» чангютгичи турган катта хонага ўтишди.

Сўнгги Ахборот чангютгични секингина тикиллатди.

— Чангютарин, ҳой, Чангютарин, тур! — деди у шивир-

лаб шу хонада ухлаётган одамларни уйғотиб юбормаслик учун.

— Йўқ, иложим йўқ,— деган овоз чикди чангютгичдан.— Ухлаяпман.

— Эсизгина, ухлаётган экансан-да, бўлмаса қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб берардик,— деди радиосоз уста.

— Айтаверинглар,— деди Чангютарин.— Мен янгиликларни ухлаб ҳам эшитавераман.

— Уйқунгни бузмайлик деб қўрқяпмиз-да,— деди Сўнгги Ахборот.— Уйғоқ бўлсанг, бошқа гап эди.

Шунда чангютгичнинг устидаги, худди танкниқига ўхшаган люк очилиб, кафолат болакайининг уйқусираган, аммо лекин қизиқувчан башарачаси кўринди.

— Хўш, нима янгилик бор? — деди у.

— Мана, танишиб қўй. Янги уста.

Музлатарин билан болакай кўл олишиб кўришишди.

— Мен кичкинагина зиёфат бермоқчийдим,— деди Музлатарин.

Ҳамманинг юзига табассум ёйилди.

— Фақат бир илтимос, бизниқида тўпланмайлик. Ҳужрам жудаям кўнглимга урган,— деди Музлатарин.

— Бизнинг ҳужрамиз ҳам кўнглимизга урган,— дея хафа бўлди бошқа одамчалар.

— Юринглар, тикув машинасига борамиз,— дея таклиф этди Буре.

— У ерда хонаям катта, гиламлариям кўп.

— Йўқ,— дея кўнмади Музлатарин.— Яхшиси, табиат қучоғига борамиз.

Аваллига ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмади.

— Қайси табиат қучоғига борамиз?— дея сўради радиосоз.

— Борамиз-да,— деди Музлатарин.— Гул-пул борми бу ерда?

— Ура!— деди Чангютарин.— Ҳаммасига тушундим. Кетдик табиат қучоғига — ошхонага!

Кастрюллару чойнаклар оралаб одамчалар ошхонага ўтишди. Музлатарин бир саватча егулик олиб келди, чирмонуқгул поясига тирмашиб, дераза токчасига чиқиб ўтиришди. Янги уста термосидан кружкаларга чой қуяр экан:

— Шундай яхши даврага тушганимдан жудаям хурсанд-

ман, — деди. — Яна мени хурсанд қилган нарса шуки, бу ерда бутун бошли уч киши экансизлар.

— Мен яқинда кетаман, — деди Сўнгги Ахборот. — Уч ойдан кейин. Вертолёт келиб, заводга олиб кетади. У ерда янги приёмникками ё телевизоргами...

— Мен ҳам ҳадемай кетаман, — деди Чангютарин. — Мендан имтиҳон олишади. Ахир мен шогирдман. Мен заводдан келганим йўқ. Ремонт устахонасидан келганман. Бизда кафолат муддати қисқа, атиги ярим йил.

— Яна сўппайиб ўзим қоларканман-да... — деди Буре мунгайиб. — Мени вертолёт ҳам келиб олиб кетмайди.

— Мен ҳам шуни ўйлаб ўтирувдим, — деди Музлатарин. — Ёлғизлик ёмон. Айниқса, сизга қийин. Бир умрга...

— Нимаси ёлғиз. Машкаси бор-ку, — деди Сўнгги Ахборот.

— Машканинг йўриғи бошқа, — дея эътироз билдирди Музлатарин. — Унга ўртоқ керак, дўст керак.

Машка тўғрисида гап очилганда Иван Иванович соатига қаради. Роппа-роса бир.

— Ана кўрдингларми, — деди у. — Куккуламаяпти. Жа ўзбошимча бўлиб кетди!.. Машка! — дея қичқирди кейин. — Нима бало, ухлаб қолдингми?

Машка соатдан бошини чиқариб, анча пайтгача ундан нима талаб қилишаётганига тушунмай, талмовсираб турди. Кейин зарда билан бир марта куккулади-да, дарров бошини тортди. Музлатарин давом этди:

— Иван Иванович мен билан бирга чорбоққа кетса яхши бўларди, — деди у. — Ахир ёлғиз қолиш олдидан ҳеч бўлмаса дам олсин, куч тўпласин.

— Мумкин эмас, — деди Сўнгги Ахборот. — Кафолат одамчаси то кафолат муддати тугамагунча жойидан жилиши мумкин эмас.

— Агар муддати аллақачон ўтиб кетган бўлса-чи?

— Нима қипти? Соат нима бўлади? Бордию бирданига, нотўғри юрадиган бўлиб қолса-чи?

— Умуман юрмаслигиям мумкин. Ахир шаҳарда ҳеч ким бўлмайди-ку, — деди Музлатарин. — Жа бўлмаса, Машка қараб турар.

— Шаҳарда чангютгичнинг ҳам кераги йўқ! — дея бакирди Чангютарин. — Мен ҳам кетаман чорбоққа!

— Чорбоқда сенга пишириб қўйибдимми? — деди радиосоз уста.— Ҳали кафолат муддатинг тугашига қанча бор! Эҳ-ҳе, ҳали-вери кетмайсан! Кетиш қаёқда сенга!

— Мен шогирдман,— дея эътироз билдирди болакай.— Йилига бир марта каникулга чиқишим керак. Мениям олакетинг, Музлатарин амаки?

— Аҳа! — деди Музлатарин.— Мана, чангютгичдан чиққан ҳал этувчи овоз ҳам биз томонда. Бор, болакай, албатта бор.

— Бу ишларинг менга ёқмаяпти,— деди Сўнгги Ахборот.— Мен бунга албатта кафолат одамчалари Бошқармасига маълум қиламан. Қани, нима дейишаркин...

— Ҳеч нима дейишмайди. У ерда ўтирганлар аҳмоқ эмаску,— деди Музлатарин.— Хўш, Иван Иванович, кетасизми биз билан?

— Мен-ку жон-жон деб кетардим-а,— деди Буре.— Машканиям олиб кетишим керак-да. Менсиз унинг ҳоли хароб бўлади.

— Машканиям обкетамиз. Бир яйрайлик. Фақат куккулаб қўймаса бўлди,— деди Музлатарин.— Агар куккулаб қўйса, иш чатоқ, холодильникимиз каккули холодильник бўлиб қолади-я.

— Куккуламайди,— дея хотиржам қилди уни Буре.— Машка «ку-ку»сини худди пулни авайлагандай авайлайди, бўлар-бўлмасга куккулатиб бўпсиз уни.

— Демак, келишиб олдик,— деди янги уста.— Майдачуйда нарсаларингни йиғиштириб, менинг холодильникимга ўтиб ўтинглар. Эртага бизни чорбоққа олиб кетишади.

Улар яна бирпас чой ичиб, сомсахўрлик қилиб ўтиришди. Музлатарин уларга сўнгги янгиликларни айтиб берди. Ҳадемай, деди у, катта газеталарнинг ҳошиясида кафолат одамчалари учун махсус газета босиб чиқарилади. Бу газета одамларнинг кўзи кўрмайдиган алоҳида ҳарфда босилади, номи «Кафолатли кафолат учун» бўлади. Бу газетада фақат эълонлар, янгиликларгина эмас, ҳикоялар, шеърлар ҳам чоп этилади. Яқинда бошқарма барча кафолат усталарига кўзга кўринмас ҳарфни ўқиш учун махсус қўлчироқчалар юборди.

Кейин одамчалар йўл ҳозирлигини кўриш учун уй-уйларига тарқалишди. Ой эса худди шуни кутиб тургандай, булут ортига кириб яширинди.



рталаб бошқа лаш-лушлар билан бирга холодильник ҳам машинага ортилди. Мана, бир соатдан бери юк машинаси катта йўлда ғизиллаб боряпти.

Машкани кўтариб олган Иван Иванович билан Чангютарин холодильник устасининг ҳужрасида ўтиришибди. Музлатариннинг ўзи эса агрегатнинг аллақайси ичак-чавогида юрарди. Ниманидир бураб маҳкамлар, ниманидир тортар, машинага ортилаётганда-тушириляётганда унча-мунча шикастланган жойларга қўшув аломати қўйиб чиқар эди.

Машина тўхтади, анча узоқ турадиганга ўхшайди, негаки, ҳайдовчи моторни ўчирди. Ана шунда биров ҳужра эшигини тақиллатди. Йўқ, бу Музлатарин эмас, бутунлай бошқа уста эди. Қоп-қора жомакор кийиб олган, ҳаммаёғи қорамой. Биқинида асбоб-ускуналар тўла тўрва осиглиқ.

— Салом,— деди у.— Қаттиқ силкинмаяпсизларми?

— Силкиниш ҳам гапми! Нимасини сўрайсиз! — деди Чангютарин.— Шипгача сакраб келяпмиз.

— Рессорларимнинг мазаси йўқроқ,— деди янги уста.— Гаражга борсам, ечиб олиб қўяман. Келинглар, танишайлик. Мен — Карданичман.

— Исми шарифингиз нима? — дея сўради Буре.

— Ҳеч нима. Биз автокафолатчиларни ҳамма отасининг исми билан чақиради: Карданич, Рессорич, Светофорич, деб.

Чангютарин билан соатсоз уста ҳам бу одамчага ўзларини таништиришди.

— Манзилга етиб келдикми? — дея сўради болакай.

— Йўқ. Поезд йўлида турибмиз,— деди автосоз уста.—
Дороховога кетяпсизларми?

— Ҳа, Дороховога.

— Унда, бир соатдан кейин етиб борамиз. Жуда чиройли
жой. Мен Дороховода бўлганман.

Мотор яна ишга тушди.

— Мен борай,— деди Карданич.— Кун иссиқ. Сув қай-
наб кетиши мумкин. Саломат бўлинглар.

Машина йўлга тушди. Улар, худди Карданич айтгандай,
роппа-роса бир соатдан кейин манзилга етиб келишди.



К



ечаси роппа-роса ўн иккида кафолат одамчалари ерга тушиб, қўлчироқларини олишди-да, чорбоқни айланиб кетишди.

Чорбоқ икки уй, бир айвондан иборат бўлиб, унча катта эмасди: айвон — ҳам айвон, ҳам ошхона вазифасини ўтар эди. Ошхонада баллонли газ плитаси турарди, лекин унда кафолат одамчаси йўқ экан — кафолат муддати тугаган бўлса керак. Хоналарнинг бирида адаси билан аяси, бошқасида уларнинг қизалоғи ухлаб ётарди.

Музлатариннинг кўзи бирдан стол устида турган радио-приёмникка тушиб қолди.

— Уҳ-ҳў! — деди у. — Ўзлариям келибдилар-ку. Бундан чиқди, ишимиз беш!

Дарҳақиқат, приёмникдан Сўнгги Ахборот хафа, кайфияти бузуқ бир ҳолда чиқиб келди. Кўч-кўчдан кейин приёмниги қатир-қутир қилиб қолибди. Уй эгалари антеннани нотўғри ўрнатишибди, овозини созлашниям эсларидан чиқариб қўйишибди. Шу сабабли приёмник қатир-қутир қилиб гапирарди:

— Қатир-қутир, қадимги вальслардан, қатир-қутир, эшиттирамиз.

Кейин катта хор ашула бошлади:

Тўлқин-тўлқин бўлиб майин, қатир-қутир,

Қатир-қутир шамол қўшиқ айтаётир:

Хир-хир-хир-хир-хир-хир-хир-хир...

Ҳаммасини тузатиб чиқишга тўғри келди, радиосоз устанинг кириб чиқмаган тирқиши қолмади, ҳатто шўрликни икки марта ток ҳам урди. У қилди, бу қилди, хуллас. приёмник тупша-тузук гапирадиган бўлди, лекин, афсуски, радиосоз устанинг ўзи, аксинча, хир-хир қилиб, ҳуштак чал. лнга ўхшаш овоз чиқариб гапирадиган бўлиб қолди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Нима янгиликлар бор? — деди Музлатарин.

— Янгиликларми? Одатдагидай, — деди Сўнгги Ахборот. — Хир-ристон хир-ларида кузги хир-ришлар бошланди. Қатир-қутир. Хир-римнинг жанубий хир-ғоқларида хир-рорт мавсуми хирз-гин авжида. Хир-ландия хир-разденти хир-хирхирилиш заводига ташриф буюрди.

— Мен сендан буни сўрамаяпман, — деди Музлатарин. — Яхши етиб келдингми, шикаст емадингми, деяпман.

— Яхши.

— Менинг эса электромоторимдаги чўтка ишдан чиқибди.

— Қандай қилиб? Сенинг кўзинг қаёқда эди?

— Бунинг менга дахли йўқ. Қоида бўйича кўчиш пайтида электромоторнинг мурватларини маҳкамлаб қўйиш керак. Саланглаб ётмаслиги учун. Уй эгалари шуни қилишмабди.

— Нега ўзинг қилақолмадинг?

— Ўҳ-ҳў, ундаги ҳар бир мурват менга иккита келади. Бураш уёқда турсин, силжитолмайман ҳам. Машина ҳар силтаб ташлаганда мотор саланглаб кетиб, чўтка синибди. Сенда ортиқча йўқми?

— Йўқ. Агар радиоланикини олмасак.

— Менга қара, илтимос, олақол ўшани. Йўқса, эртага холодильникни токка тиқишади, у ишламайди. Ишим пачава бўлади.

— Индинга радиолани қўйишса-чи, унда менинг ишим пачава бўлсинми?

— Биласанми, — деди Музлатарин. — Шаҳар ташқарида танцадан кўра холодильник зарурроқ. Қолаверса, менинг прокат идорамни ёмонотлиққа чиқариб, ҳақорат қилишларини истамайман. Бунда идорамнинг нима айби бор!

— Қачон қайтариб берасан? — деди Сўнгги Ахборот.

— Тезда. Бошқармага маълум қилсам, бас. Икки кунда отказиб беришади.

— Бўпти,— деди радиосоз уста.— Бу ишлар менга унча ёқмасаям, қўлни ташла. Кетдик, олдин чорбогни бир айланайлик, кейин чўткани алмаштирамиз.

Ҳамма иш хамирдан қил суғургандай силлиқ кетаётган эди-ю, фақат бир ишкали чиқиб қолди-да, қизалоқ Таня ҳали ухлаб кетмаган экан. Ҳаммасига шу ғалати кўчиш сабабчи. Қизалоқнинг ярим бўлаги аллақачон деярли ухлаб қолган, нуқул: «Ухла, ухла, Танюшка. Кеч бўп қолди», дея шивирларди. Иккинчи ярмининг эса ҳеч уйқуси келмас, нуқул: «Ухлама, ухлаб қолма, Татьяна! Қўлида қўлчи-роқ ушлаган аллақандай одамчалар юрибди. Уларни тутиб олиш керак», дер эди.

Қизчанинг ана шу бўлаги доим бир-бири билан чиқишолмасди. Биттаси Таняни ўжарлик қилмасликка, ўйинчоқларини саранжом-саришта қилиб қўйишга, вақтида ётиб ухлашга, айтилган ишни қиладиган, ота-онасининг гапига қулоқ соладиган одобли қиз бўлишга ундаса, иккинчиси аксинча: шкафнинг устига чиқишга, бировни белкуракча билан тушириб қолишга, ўзининг сочини қайчилаб қўйишга ундарди.

Биринчи бўлаги устун келганда, қизалоқни ота-онаси Танечка, Танюша, Танюшечка дея эркаларди. Иккинчисининг қўли баланд келганда — фақат Татьяна дейишарди. Биз эса бу бўлакларнинг бирини Оқида, иккинчисини Жоҳила деб атаймиз. Худди Татьянанинг битта ўзи иккита қиздан иборатдай.

Хуллас, Оқида ниҳоят ухлаб қолди. Жоҳила эса яна аллақанча маҳалгача кўзларини чақчайтириб ётди. Тўғрироғи, битта кўзини. Вой, бу одамчалар-эй, жудаям қизиқ экан-а! Эсизгина, улар хонани тезгина тарк этишди — ошхона-айвонга чиқиб кетишди.

— Эшитяпсизларми? — деди Музлатарин.

Ташқаридан аллақандай ҳуштак, чаҳчаҳлаган товуш келди.

— Нима бу? — деди Чангютарин.— Милициями?

Музлатарин кулди:

— Булбул,— деди у.— Қишлоқ шунақа, булбуллар сайрайди.

— Яхши сайраяпти,— деди Буре.— Эшитган саринг эшитгинг келади! Қанийди, соатимгаям Машканинг ўрнига булбул қўйиб олсам.

— Хафа бўлманг,— деди Музлатарин.— Бу ерда ҳақиқий каккунинг сайрашини бир эшитсин, кейин кўрасиз, Машкангиз ҳам яхшилаб куккулайдиган бўлиб қолади.

— Ия, буниси нима бўлдийкин? — деди Сўнгги Ахборот.

— Қайси? Анави «чир-чир» қилаётганми? — дея аниқлаб олди Музлатарин.— Қора чигиртка.

— Э, йўқ, «чир-чир» қилаётганни айтмаяпман, «ғирр-ғирр, ғирр-ғирр», қилаётганни айтяпман.

— Сичқонга ўхшайди. Ниманидир кемиряпти.

Ростдан ҳам бурчақдан аллақандай чинқирган, аллақандай чийиллаган товуш эшитилди, кўп ўтмай сичқон инидан иккита кулранг сичқонча чиқиб келди. Улар эпчиллик билан силкиниб, уст-бошларини қоқишди-да, инларидан оқ байроқча билан барабанны тортиб олишди. Кейин бир сафга тизилиб йўлга тушишди. Барабан садолари остида тўпша-тўғри одамчаларнинг олдига келиб тўхташди.

— Салом! — деди қадди-қомати тикроқ, байроқча кўтариб олган сичқонча.— Сизлар кафолат одамчаларимисиз?

— Ҳа, кафолат одамчаларимиз,— деди Музлатарин.

— Биз сизларга уруш эълон қилиб келдик!

Ҳе йўқ, бе йўқ, кичикроқ, аммо семизроқ сичқонча гўдайганча одамчаларга қаратиб патира-путур питра соча бошлади.

— Нима учун, билсак бўладими? — деди Музлатарин.

— Биз кафолат одамчалари билан доим уришиб келамиз! Бу бизнинг уйимиз,— деди, тикроқ сичқонча.— Бу ерда биз хўжайинмиз!

— Майли, хўжайин бўлаверинглар. Урушнинг нима ҳожати бор?

— Ўзимиз ҳам билмаймиз. Қадим-қадимлардан бери одатимиз шу. Аскарларимиз ўйлаб-нетиб ўтирмайди: биз сичқонларда аскар қадимий урф-одатни бажо келтиради. Кулранг қаҳрамонимиз ана шунақа.

Кичкина сичқонча ҳали ҳам питра отарди.

— Менга қара,— деди Музлатарин катгароғига.— Пишлоққа иштаҳанг қалай?

У дарров қаддини ғоз тутиб қаққайди:

— Яшасин қирол ҳазрати олийлари зўр!

Фақат нима зўрлигига тушуниб бўлмади: қирол зўрми ё пишлоқ?

— Буёққа юр, — дея Музлатарин «кулранг қахрамон»ни ўз ҳужрасига бошлаб кетди.

Одамчалар кичкина сичқончани ўраб олишди. Сичқонча олдида оқ байроқча — музокара байроқчаси ётарди.

— Қаерда яшайсизлар?

— Кўпчиликмисизлар? — дея саволга тутишди уни одамчалар.

— Уч, тўрт, беш, ўн олти, йигирма, ўн беш! Шунча! — деди у.

— Ҳали сен санашниям биласанми? — дея сўради Сўнгги Ахборот.

— Бўлмасам-чи! Бир, икки, уч, тўрт, йигирма бир, ўн беш, уч юз! Ва ҳоказо!

— Оббо сен-эй! Зўр-ку! — дея кулди радиосоз уста.

— Йиртқичимисизлар? — дея сўради Чангютарин.

— Бизми? — деб қайтариб сўради сичқонча, ён-верига олазарак бўлиб боқди. Кўриниб турибдики, у бу ерда ўзини ноқулай сезяпти, уйига кетгиси келяпти.— Биз шунақа... Ҳалиги... анақамиз... ҳаммамиз... бир кишидай... Шунақа! Ҳамма учун!.. Олга!

Тикроқ сичқонча билан Музлатарин қайтиб келди. Улар афтидан қалин дўст бўлиб олганга ўхшарди. «Кулранг қахрамон»нинг қўлтигида бир бўлак пишлоқ, бўш қўлида бир паррак колбаса. Шунинг учун ҳам ерда ётган музокара байроқчасини оламан деб роса уриндию ҳеч ололмади.

Охири қўлидаги колбасани ёрдамчисининг оғзига тикди-да, жиддий амр этди:

— Ҳар қандай шароитда ҳам тишланмасин! Тирик олиб борилсин!

Шундан кейингина қўли бўшаб, байроқчани олди.

— Уёқда кўпчиликмисизлар, хўжайин? — дея сўради Музлатарин.

— Роппа-роса йигирма тўққизтамиз. Бутун бошли легион! — деди сичқонча.

— Отларингиз нима? — деб сўради Буре.— Мана, сизники? Сизники?

— Биттамиз Ғўрсичқон, биттамиз Зўрсичқон. Иккаламиз ҳам отлиқ армия лейтенантимиз.

Сичқончалар барабан садолари остида узоқлаб кетишди. Кичкинаси нуқул чапга — бир паррак колбаса босиб тушадиган томонга қараб эгилиб-эгилиб кетарди.

Чамаси, у колбасани тишламасдан ушлашга жуда қийна-
лаётган эди.

— Ҳатто отлиқ армиялари ҳам бор экан,— деди маъюс
тортиб Буре.


— Бўлмаган гап! — дея унинг гапини шартта кесди
Музлатарин.— Хўш, Иван Иванович, қалай, чорбоқ сизга
ёқяптими?

— Билмадим,— деди Буре.— Ҳеч кўниколмаяпман.
Худди чет элда юрганга ўхшайман.

— Чет элдаям бўлганмисиз? — дея сўради Сўнгни
Ахборот.

— Йўк, бўлганим йўк,— деди Буре.— Шунинг учун
ҳам кўниколмаяпман-да.

— Мана, айланиб ҳам бўлдик, етар,— деди Музлата-
рин.— Энди бориб чўткани алмаштирайлик.



ОҶИЛА БИЛАН ЖОҶИЛА



рталаб қизалоқ Таня уйқудан турдию тўппа-тўғри аясининг олдиға югурди.

— Ая-чи, ая, уйимизда-чи, аллакимлар борға ўхшайди. Кеча кечаси ўзим кўрдим.

— Кимлар экан улар? — дея сўради аяси.

— Митти одамчалар. Қўлларида-чи, ая, қўлчироқчалариям бор.

— Тушингда кўргандирсан-да.

— Йў-ўқ, тушимда кўрмадим,— деди қизалоқнинг қайсар бўлаги Жоҳила.— Аниқ кўрдим: битта кўзим ухлаб қолсаям, битта кўзим ҳали уйғоқ эди. Ҳаммасини кўрдим. Расмана одамчалар.

— Ҳадемай туғилган кунинг бўлади,— деди аяси.— Уч кун қолди. Уч кундан кейин сенга солдатчалар совға қиламан. Ана ўшанда одамчаларинг ҳам бўлади.

— Бу одамчаларнинг жони бор,— деди Жоҳила.— Солдатларингизни жони йўқ. Мен ўша одамчаларни топанман.

— Бўпти, яхши,— дея кўнди аяси.— Кечқурун конфет қўйиб қўй. Агар конфетни еб кетишса, демак, улар бор. Агар конфетларингга ҳеч ким тегмаса, уларни тушингда кўргансан.

«Тушимда кўрганга ўхшайман», дея ўйлади қизалоқнинг мўмин-қобил, яхши бўлаги — Оқила.

«Сен тушингда кўрган бўлсанг, кўргандирсан, лекин мен бунга ишонмайман!» дея қайсарлик қилди ёмон бўлаги — Жоҳила.

Уй эгалари чўмилишга кетганларидан кейин Музлатарин, Буре ҳамда болакай холодильникдан чиқишди-да, дераза токчасига чиқиб, табиатни томоша қилиб ўтиришди.

— Қандай кенг жойлар-а! — деди Чангютарин. — Дала. Чироқлар. Қани энди ўша ёқларга кетсанг!

Шу пайт ўрмондан қаттиқ-қаттиқ, аниқ-аниқ «кук-ку, кук-ку, кук-ку!» деган товуш эшитилди.

Иван Иванович дарров соатига қаради.

— Е тавба! Уч бўлибди. Соатимни нима жин урдийкин? — деди у. — Орқада қолибди-ку!

Какку эса ҳали ҳам куккулагани-куккулаган эди. Иван Иванович санаб борди:

— ...Ўн беш, ўн олти... йигирма саккиз! Ҳеч нарсага тушунмаяпман. Наҳотки, соат ўттиз ҳам бўлса?.. Назаримда, меъёрбони ишдан чиққанга ўхшайди.

Одамчалар роса қаққаҳа отиб кулишди. Чангютарин эса дераза токчасида уёқдан-буёққа думалаб-думалаб кулди.

— Вой-вой-эй! — деди у ўзини кулгидан тўхтатолмай. — Ушланглар мени, ушланглар! Йиқилиб тушаман! Орқада қолган эмиш! Ха-ха-ха! Ахир бу тирик какку-ку, бува!

— Тирик? — дея қайтариб сўради Буре. — Вой, эсим қурсин. Уни қаранглар, бутунлай унутиб қўйибман-а. «Кук-ку» деяпти-ку, демак, вақтни билдирыпти, деб ўйлабман. Югуриб бориб Машкани олиб келай. Куккулашни бир ўрганиб қўйсин.

Машка қулоқ солиб турди-турди-да, кейин кўзларини ола-кула қилганча сайрашга тушиб кетди: «Кук-ку, кук-ку!» У шундай зўр, шундай қаттиқ куккуладики, бунни эшитиб, ўрмон каккуси азбаройи ҳайратланганидан жимиб қолди.

— Қалай, мот қилдимми? — деди Машка, кейин яна бошини солинтириб, мудрай кетди.

Шу орада радиосоз уста ҳам келиб, дераза токчасига чиқиб ўтирди.

— Янгиликни эшитдингларми? — деди у.

— Қанақа янгилик?

— Уй эгаларининг қизчаси бизни сезиб қолибди, думраша! Жойимда ўтирган эдим, бир пайт аяси билан тиллашганини эшитиб қолдим.

— Сезса нима бўпти? — деди Чангютарин.

— Ҳеч нима! Гўёки сен билмайсан! — деди Сўнги Ахборот. — Агар бола мардум кафолат одамчаларининг да-
рагини билиб қолса борми, ўлдим, деявер. Бизни топиб олиш
учун бор радиоприёмнигу соатларнинг тит-питини чиқариб
ташлайди.

— Тўғри, — дея уни қувватлади Буре. — Бу қизалоқ
шаҳардаёқ икки марта Машкани соатдан сугуриб олмоқчи
бўлувди. Ўшанда ота-онасини чақириш учун Машка жон-
жаҳди билан бутун оламини бошига кўтариб куккулаган
эди, мен бўлсам, роса жаранг-журунг қилиб занг урганман.

— Бир куни шу зумраша ким гапираётганини кўриш
учун приёмнигимнинг ярмини ағдар-тўнтар қилиб ташловди.
Охири, иккинчи марта тумшуғини тикмасин, деб токли
симни қўлига теккизиб олганман. Ўзиям роса чинқирган
эди — сал бўлмаса қулоқдан ажраб қолардим! — деди Сўнги
Ахборот.

— Энди бўлса, полга конфет ёйиб қўймоқчи, — дея
давом этди радиосоз уста. — Агар бирорта конфети йўқолса,
уни биз еган бўламиз. Кейин у бизни ахтаришга
тушади.

— Биз-ку конфетини олмаймиз-а, — деди Музлатарин
хавфсираб. — Лекин сичқонлар...

— Кечасига соқчи қўйиш керак. Мисол учун, мени, —
деди болакай. — Конфетни сичқонларга едирмай қараб ту-
риш учун.

— Соқчи қўйиб бўлмайди, — дея эътироз билдирди Муз-
латарин. — Сичқонлар соқчиниям конфетга қўшиб олиб ке-
тади.

— Бўлмаса, токли сим ўтказиб қўямиз, — дея таклиф
этди Сўнги Ахборот. — Тегса, боплаб уради!

— Кечаси конфетларни шу ерга опкеб қўйиш ҳам
мумкин, — деди Буре. — Эрталаб яна жойига обориб қўямиз.

— Маъқул, — деди Музлатарин. — Шундай қиламиз.

— Ҳали гапимнинг ҳаммасини айтганим йўқ, — деди
радиосоз уста. — Яна бир янгилик бор. Уч кундан кейин
қизалоқнинг туғилган куни бўлади.

— Бизга бунинг нима дахли бор? — деди Музлатарин.

— Дахли бор, — деди радиосоз уста. — Меҳмонлар кели-
шади, радиолани қўйишади. Радиола ишламайди. Бунинг
учун менга кафолат бўйича ҳайфсан ёпиштирилади.

— Тўғри, — деди Музлатарин. — Лекин сен хафа бўлма.

Биз шу бугуноқ бошқармага қўнғироқ қиламиз. Чўтка бўлади.

Шу куни қизалоқ Таня жуда чарчади. Нимага десангиз, унинг яхши бўлаги Оқила аясига роса қарашди: кўйлакчаларини ювди, юпқа пиширди, синган косанинг синиқларини ювинди ўрага олиб бориб ташлади, ошхона полини артиб чиқди. Емон бўлаги — Жоҳила ҳам жуда чарчади. Кун бўйи борма деган жойга борди, тегма деган нарсаларга тегди, косани синдирди, кўйлакчаларини ифлос қилди, ошхонага сув тўкиб юборди, қўшни қизчанинг башарасига юпқа отди.

— Энди одамчаларни тутиб олиш учун полга конфет тўкиб қўямиз,— деди Жоҳила уйқуга ётиш олдидан.

— Уларни тутиб олишнинг нима кераги бор?! — дея тўсқинлик қилди Оқила.

— Албатта тутиб оламиз. Бошқа ҳеч кимнинг одамчалари йўқ, бизнинг одамчаларимиз бўлади,— дея қайсарлик қилди Жоҳила.

У қанддонда турган конфетларни олиб, полга ташлади-да, бир сакраб каравотига чиқиб ётди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас қизча ухлаб қолди.

— Танюшамиз жуда яхши қиз-да,— дея кўрпасини тузатиб қўйди аяси.— Туғилган кунда битта мушуквачча олиб бермасам бўлмайди.



ҚУПОРУВЧИЛИК



атталар уйқуга ётишлари билан Музлатарин ҳамда Сўнги Ахборот холодильникдан чиқиб, конфетларни битта-битта териб олиб кетишди. Кейин эса улар йўл ҳозирлигини кўра бошладилар. Шу яқин орадаги телефон будкасига бориб, чўтка юборинглар, дея бошқармага қўнгироқ қилишлари керак эди.

— Қуролингни олвол,— деди радиосоз уста.— Билиб бўладими...

— Хотиржам бўл,— деди Музлатарин.— Биринчи марта бораётганим йўқ.

Улар қалинроқ кийинишиб, кумушранг тун қоронғулиги қўйнига сингиб кетишди. Иван Иванович билан болакай эса уйда қолиб, чойхўрлик қилиб ўтиришди.

— Иван Иванович,— деди Чангютарин.— Нега энди электрликка ўқий қолмайсиз? Замоनावий электр соатларга ўтиб олсангиз бўлмайдими?

— Ўқиш учун энди кексайиб қолдим,— деди Буре.— Қолаверса, ўз ҳунаримга ачинаман. Биз, қариялар, жуда ўр бўламиз. Мана, мисол учун олайлик, менинг бир Иван Вальс деган ошнам бор. Роялда яшайди. Шу одамни неча марталаб пианинода ишлашга жалб этишди. Биласизки, ҳозирги уйлар қадимги уйлардай эмас, рояль қўядиган жой йўқ, шунинг учун пианинога талаб катта. Шу десангиз, ўши ошнам пианинога ўтиб ишлагиси келмайди. Ҳунарига ичи ачийди. Пианинога ўтса-ку, анча енгил бўлади. Утмайди! Ҳаммамиз ҳам шунақамиз. Ўз нарсамизни кўзимиз қиймайди. Шунинг учун ҳам қадимги нарсалар узоқ хизмат қилади.

Хоҳ у милтиқ бўлсин, хоҳ ғижжак, хоҳ қандил, хоҳ самовар. Э, нимасини айтасиз! Қанийди энди ўзимнинг ҳам битта шогирдим бўлса-ю, сиру асроримни ўртатсам.

— Нима, бошқарма бирорта шогирд топиб юборолмай-дими? — деди Чангютарин.

— Айтишга осон, — деди Буре. — Бунақа соатлар кам қолди. Уларга талаб ҳам катта эмас. Шогирдлар кўпроқ бошқа жойларга керак. Бориб-бориб ҳали пушаймон ейди-ю, кейин ўрнига тушмайди — кеч бўлади.

Шу пайт стол устидаги жажжи чироқча лип этиб ўчиб қолди.

«Нима бўлдийкин, тинчликмикан? — дея ўйлади Чангютарин. — Токни узиб қўйишдими дейман-ов?»

Болакай пайпаслаб қўлчироғини топди.

— Сиз, Иван Иванович, ўтира туринг, — деди у. — Мен чиқиб қарай-чи, сим-пимда бирор ишқал чиқмадимикан.

— Йўқ-йўқ, яхшиси, йигитча, сиз ўтира туринг, — дея эътироз билдирди Буре. — Ўзим чиқаман. Ҳозир замон алғовдалгов. Эсингиздан чиқмасин — бизга уруш эълон қилинган-а?!

Қария чиқиб кетди. Беш минут ўтдиамки, ундан дарак йўқ. Ун минут ўтгандан кейин ҳам, йигирма минут ўтгандан кейин ҳам Буре қайтиб келмади. Чангютарин чинакамига хавотир олди. Каттароқ гайка очқичини олди-да, холодильникдан чиқиб, симни ёқалаб, розеткага қараб кетди.

— Стоп! — деди у бирдан. — Сим ғажилган-ку! Сичқонларнинг иши бу. Иван Иванович қўлга тушибди-да. — У шундай дея ғизиллаб ортига — холодильникка қайтди.

Музлатарин билан Сўнгги Ахборот учта телефон будка-рига кириб чиқди. Иккитасида автомат синиб ётибди. Учинчисида автомат ишлаб турибди-ю, кафолат одамчаси йўқ.

Ёмғир шигалай бошлади.

Фақат тўртинчи будкадагина ишлари ўнг келди. Улар дачорни тўрт марта қўшқўллаб уриб, шартли сигнал беришди, орадан кўп ўтмай, телефон аппарати қутисидан илпачалари симдан қилинган нозиккина капрон зинапояча тушди.

Уст-бошларини яхшилаб қоқишиб, иккала уста навбатма-навбат юқорига кўтарилишди. Кафолат хонаси, худди замонавий жиҳозлар кўрғазмасидай, яп-янги эди. Ҳаммаёқ

пластмасса, ёғоч, тунука. Ким билади, балки пластмассага ўхшатиб ишланган ёғочдир ёки ёғочга, тунукага ўхшатиб ишланган пластмассади. Ялтироқ дасталар, йиғма каравотлар, девор ичига йиғиб қўйиладиган столлар.

Уй эгасининг ўзи ҳам худди шунақа, кўрғазмага қўйиладигандай — сочлари силлиқ қилиб таралган, оппоқ нейлон халат кийиб олган йигитча эди. У: «Тушган икки тийинликлар ҳисобчиси», деб ёзиб қўйилган, ярми девордан тортиб чиқарилган ускунани тузатаётган эди.

— Ўтиринглар,— деди у қўлидаги кавшарлагич билан усталарга жой кўрсатиб.— Ҳозир тугатаман.

Олдида, столда наушник ётар, ундан телефонда гаплашаётганларнинг узук-юлуқ сўзлари эшитилиб турарди.

— Бировларнинг гапини эшитиш яхшими? — деди Музлатарин.

— Нима қилай? — деди телефончи.— Телевизорим йўқ. Радиом йўқ. Хўш, кечқурунлари нима қил дейсиз? — Қолаверса, бунга ҳеч ким тақиқлаб қўйгани йўқ.

— Нима қилай, дейсизми? — дея сўради Музлатарин.— Автоматларни бузиб кетаётганларга қарши бирор восита устида бош қотирсангиз бўларди. Сизникига келгунча биз иккита синиқ автоматни учратдик.

— Нега мен бош қотиришим керак? — деди йигитча.— Бошқармадагилар бош қотирсин! Уёқда улар кўпчилик, тепакаллариям бор.

— Назаримда, сиз бошқармага худди худога ишонгандай ишонар экансиз,— деди Музлатарин.— Ўзингиз бу бошни нимага кўтариб юрибсиз? Нейлон қалпоқча кийишгами?

— Отингиз нима? — дея гапга аралашди Сўнгги Ахборот.

— Отим Булбулигўё. Фамилиям Чақахўров. Хизмат лақабим — Ноль Бир.

— Гап бундай, муҳтарам Ноль Бир,— деди Музлатарин.— Биз ҳозироқ бошқарма билан гаплашишимиз керак.

— Худога ишонгандай ишониб бўлмайдиган бошқарма биланми? — дея кесатди йигитча.

— Биру ноль,— деб кулди радиосоз уста.

— Ноль Бир,— дея унинг хатосини тузатган бўлди Чақахўров.— Дарвоқе, мен автоматларни бузаётганларга

қарши таклиф киритган эдим. Яъни, махсус сиёҳ сепадиган пуркагич ўрнатиш тўғрисида. Ёки пружинали тўқмоқча қўйсам бўлаверади. Сен автоматни муштласанг у ҳам сени муштласин. Қанча қаттиқ урсанг — шунча қаттиқ урсин.

— Нима дейишди? — дея қизиқди Сўнгги Ахборот.

— Ҳеч нима. Рад этишди. Безориларга сиёҳ сепиш одамгарчиликка тўғри келмас эмиш, тарбияга зид эмиш. Улар, чамаси, «Азиз безорижон, илтимос, автоматимизни бузма. Ақлли бўл», деган музыкали тарбиявий сўзлар ёзилган, безори автоматни бузиб бўлганидан кейин ўз-ўзидан ишга тушиб кетадиган пластинка қўйишмоқчи.

— Ҳай, майли,— дея уни тўхтатди Музлатарин.— Менга бошқармани улаб беринг. Бу гапларни бошқа сафар бафуржа гаплашамиз.

Кўп ўтмай, Музлатарин миттигина телефон трубкасига қараб бақира бошлади:

— Юборолмаймиз, деганингиз нимаси? Вертолётчанинг бензини кам? Вертолётча Дороховогача учиб келиши шартмас. Электричка томига қўнсин-да, келаверсин. Станциядан бўёғи унча узоқ эмас. Биз телефон будкасига қўшув аломати қўйиб қўямиз. Чўткани ўша будкага ташлаб кетаверасизлар... Буюртмани ким қабул қилди? А? Петров? Вилиб қўйинг, Петров, чўтка эртагаёқ етказилсин! Менми? Музлатарин, Тузлатаринмас, Музлатарин! Хўп. Буюк Трансформаторга салом деб қўйинг!

Музлатарин телефон дастагини жойига қўйди.

— Қалай, Булбулигўё, томингизга чиқса бўладими? — деди у кейин телефончига мурожаат қилиб.— Зинапоя борми?

— Чиқиб овора бўлиб ўтирасизми? — деди йигитча.— Ўраверинглар. Қўшув аломатини ўзим қўйиб қўяман.

Музлатарин билан радиосоз уста уйга қайтиб келганларида, Чангютарин уларни дод солиб қарши олди:

— Иван Иванович йўқолиб қолди... Сичқонлар ўгирлиб кетишди. Энди нима қиламиз?

Омад бир кетгандан кейин кетаверар экан-да,— деди радиосоз уста.— Мен билган эдим бу ишларнинг охири бахайр бўлмаслигини.

Музлатарин ўйланиб қолди. Кейин симни кўздан кечирди.

Менимча, Иван Ивановичга ҳеч нарса бўлмайди,—

деди у.— Сичқонвойлар симни ғажишга ақли етибдими, демак, асирни пишлоққами, колбасагами айирбош қилиб олишгаям ақллари етади. Бурени бошларига урадим улар?

— Ақллари етадим, йўқми, билмадим,— деди Сўнгги Ахборот.— Мен сизни огоҳлантирган эдим. Иван Иванович бу ерга келиши мумкин эмас эди. Кўнглим сезган эди-я. Ҳа, сезган эди!

— Қўйинг, тортишмайлик,— деди Музлатарин.— Биз бундай қиламиз. Биринчидан, конфетларнинг қоғозини ажратиб оламиз. Иккинчидан, ўша қоғозларни сичқон инининг оғзига ташлаб қўямиз. Учинчидан, шундай қиламизки, қизча бизни жон-жаҳди билан ахтара бошласин.

— Хўш, шу билан нима бўлади? — деди радиосоз уста.

— Нима бўлишини ўшанда кўрасиз.



КАФОЛАТ
ОДАМЧАЛАРИ УЧУН
ЭШИТТИРИШ



Э



рталаб Таня турди-да, жон-жаҳди билан:

— Ая! Ая! Қаранг,— дея қичқирди.— Конфетлар йўқ. Нима деган эдим сизга! Ана, одамчалар бор экан-ку?!

Аяси сичқон ини оғзида турган қандқоғозни кўриб қолди.

— Бор экан, бор экан,— дея кесатди.— Тўрт оёқлаб юрадиган, думли одамчалар экан. Отлари сичқонвой.

— Йўқ, сичқон эмас, сичқон эмас,— дея тихирлик қилди Таня.

— Йўқ, сичқон! — деди аяси ҳам бўш келмай.

— Мен сизга сичқон эмас, деяпман! Сичқон эмас, дегиман!

Бўпти, яхши,— дея ён берди аяси.— Кечаси қопқонча кўйиб қўямиз-да, кейин ҳаммасини билиб оламиз.

Қандқоғозни нега қўйганимизни энди билдингми?— деди Музлатарин болакайга.

Билдим,— деди Чангютарин.— Аяси қопқон қўйсин деб. Буёғи энди нима бўларкин, Музлатарин амаки?

Сабр қил. Кўрасан, буёғи қизиқ бўлади.

Уй эгалари офтобда тобланиб ётиш учун дарё бўйига мотгонларидан кейин Сўнгги Ахборот ҳовлиқиб холодильникка кириб келди.

Ҳой, юринглар меникига, радио эшитамиз,— деди у. Кафолат одамчалари учун эшиттириш кетяпти!

Одамчалар шоша-пиша радиосоз устанинг ҳужрасига отланганди. Кафолат одамчалари учун эшиттириш — ҳам юрингли, ҳам қизиқарли.

Радиосоз устанинг ҳужраси Буреникига ўхшаб у қадар шинам ҳам эмас ёки Музлатаринникига ўхшаб оддий ҳужра ҳам эмас эди. Бу ҳужра кўпроқ трансформаторлар будкаси ёки лифтнинг машина бўлмасини эслатарди. Қаёққа қарама, резина гиламчалар, рубильниклар, чироқчали пультлар. Ҳаммаёқда «Тегилмасин — ўлдиради!» деган ёзув осифлиқ. Ҳар бир ёзув ёнида эса бир-бирига чапиштирилган иккита суяк билан бош чаноқ расми. Бундай расм ҳатто шундай териб қўйилган шкафта ҳам бор. Столда ҳам худди шундай расмлар электр самовар, худди шундай ёзуви бўлган чинни пиёла турарди. Фақатгина бурчакдаги каттакон, қип-қизил, пастаккина катда бундай ёзув ҳам, расм ҳам йўқ эди.

Одамчалар дарҳол ўша катга ўтиб ўтиришди-да, ўлим хонасини эҳтиром билан томоша қила бошладилар.

— Чойга тобларинг қалай? — дея сўради мезбон.

Ажал самовардан ҳеч кимнинг чой ичгиси йўқ эди.

— Назаримда, пиёлани қўлимга олишим билан мени ток урадиганга ўхшайди! — деди болакай.

— Мурабболи чой бўлса, майли, — деди Музлатарин. — Электрли чойни талабгорлар ичаверсин.

— Ўзларинг биласизлар, — деди мезбон. — Келинлар, эшиттиришни эшитайлик.

Сўнгги Ахборот иш столи ёнига бориб, приёмникни қўйди. Ҳамма радиосоз усталар ёки радиоҳаваскорларникига ўхшаб, унинг приёмниги ҳам ичак-чавағи чиқиб, очиқ-сочиқ ётар эди. Чироқчалари ташқарига бўртиб чиққан, қопқоғи эса бир бурчакда турибди. Лекин приёмник зўр ишларди. Радиоэшиттириш бошланди. Аввалига сўнгги ахборот эшиттирилди.

— Диққат, диққат! Рига радиоаппаратуралар заводи ўзи ишлаб чиқарган ҳамма буюмларнинг кафолат муддати ни бир йилга узайтиради. Созловчи усталардан ана шуни эътиборда тутиш сўралади...

Кафолат одамчалари бошқармаси шуни маълум қиладики, «Урал» чангютгичларини ишлаб чиқарувчи завод таъмир учун вақтинча ёпилади. Усталардан ўз буюмларини ҳозирча тарк этмасликлари сўралади, яна усталар огоҳ бўлсинларки, уларни олиб келиш учун митти вертолётчалар вақтинча юборилмайди...

«Воронеж» радиоприёмнигига қўшимча магнитофонлар

ишлаб чиқарилди. Бу магнитофонлар ичида ўз устахонаси бор. Иш столида қўшимча асбоб-ускуналар, инструкциялар мавжуд. Қўшимча аппаратга орқа қопқоқ томонидан, қўргошин тамға ёнидан кирилади. Илтимос, кафолат одамчалари қўшимча аппаратни зудлик билан ишга туширсинлар...

Об-ҳаво маълумоти. Холодильниксоз усталар диққатига! Об-ҳаво институтининг маълумотларига қараганда, кучли иссиқ бўлиши кутилмоқда. Музхона температурасини пасайтиришни унутманглар.

Автокафолат одамчаларига двигателларни совутиш ишларини яхши йўлга қўйиш тавсия этилади. Жалюзларни очиб қўйиш керак, радиаторларни эса майда чивинлару пашшалардан тозалаш лозим. Моторли қайиқларнинг кафолат одамчаларига кўллардаги, дарёлардаги сув сатҳини кузатиб боришни маслаҳат берамиз. Сувнинг кескин камайиб кетиш хавфи бор, натижада қайиқ парраги ерга тегиб қолиши мумкин.

Кейин радио бир одамчанинг саломини бошқа бир одамчага етказишга ўтди. Кафолатга оид ҳар хил воқеаларни ҳикоя қила бошлади. Қайси шаҳарда, қайси бола ёки қайси қизча қайси буюмни бузмоқчи бўлганини, бунинг оқибати нима билан тугаганини хабар қилди. Ниҳоят, диктор бундай деди:

«Энди кекса усталарнинг талабларига биноан бериладиган концертимизни бошлаймиз. «Беккер» роялининг кафолат устаси Иван Сергеевич Вальс «Уч тулпорли арава елар» қўшиғини радио орқали эшиттиришимизни сўрайди. Бу қўшиқни у дўсти — соатсоз уста Иван Иванович Бурега бағишлайди. Қўшиққа қўшиб дўстига ўзининг чуқур эҳтиромини ҳамда унга сиҳат-саломатлик тилаб билдирган истагини ҳам етказишимизни илтимос қилади. Иван Сергеевичнинг илтимосини бажонидил адо этамиз. Марҳамат, энди ана шу қадимий кафолат қўшиғини тингланг».

Ана шу сўзларни эшитган одамчалар бир сапчиб тушишди. Ана холос: Иван Ивановичча бағишлаб қўшиқ айтилса-ю, унинг ўзи бўлмаса!

Приёмникда қўшиқ янгради:

*Уч тулпорли арава елар,
Қишда, она Волгани бўйлаб.*

*Емчи бошин чайқатиб келар,
Ғусса тўла қўшиғин куйлаб.*

*«Ўйга толдинг нечун, азамат? —
Дея ёмчи сўрайди бу пайт,—
Дилинг ўртар қандайин ҳасрат,
Сени кимлар хафа қилди, айт!»*

Ниҳоят, радио жим бўлиб қолди.

— Биласанми, бу жудаям қадимги қўшиқ,— деди Музлатарин болакайга.— У замонларда кафолат одамчалари учун ҳеч қанақанги вертолётча-пертолётча йўқ эди. Муддати тугаса, бас, биров уч отли арвада, биров пою пиёда йўлга тушарди. Мамлакатнинг ярмини яёв босиб ўтишга тўғри келган пайтлар ҳам бўлган. Ҳатто чет элга ҳам пиёда борилган. Заводлар жуда оз эди. Усталар азбаройи чарчаб-толиқиб, йиқилиб қолган пайтлари ҳам бўлган. Одамлар инсоф қилиб ёрдам берса-ку, яхши-я, бўлмаса фалокат юз бериши ҳам ҳеч гап эмас эди.

— Эсизгина, Иван Иванович ўзига бағишлаб айтилган қўшиқни эшитмади-да,— деди Чангютарин хўрсиниб.

— Баъзи бировлар орага тушмаганида,— деди Сўнгги Ахборот.— Шу гаплар йўқ эди, ачиниб ўтирмасдик! Иван Иванович чорбоққа келишининг нима кераги бор эди ўзи! Ана, кўрдингларми, инструкцияни бузишнинг оқибати нималарга олиб келади?!

— Бўпти, марсиянгни ўқима,— деди Музлатарин.— Ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ.



БУРЕ АСИРЛИКДА



ша куни эрталаб Бурени қирол саройига сўроққа олиб келишди. Сарой тўнтариб қўйилган посилка қутисидан қилинган эди. Сарой деворида шундай ёзув бор эди:

МОСКВА ОБЛ. ДОРОХОВО ҚИШЛОҒИ

Смирновларга.

Ёзувдаги барча «О» ҳарфи кемириб ўйиб олинган, шунинг оқибатида саройда бир қанча думалоқ даричалар юзига келган эди. Ичкари ёп-ёруғ, нимага десангиз, шифтда ялтироқ тунука қандилча осиглиқ турарди.

Қирол қўғирчоқларнинг ўйинчоқ креслосини ўзига тахт қилиб олган эди. Кресло тўрт бурчидан тўртта ип билан шифтга осиб қўйилган, у ҳам тахт, ҳам арғимчоқ вазифасини ўттир эди. Деворларга ўйинчоқ курсичалар, шкафчалар, диванчалар тақаб қўйилган. Сичқонлар, чамаси, бу нарсаларни илгари шу чорбоқда турган лапашанг болакайлардан ўғирлаб келишган эди.

Тахтни колбаса пўстидан камар бойлаб олган такаббур сичқон генераллари қуршаб туришарди. Иван Ивановични ҳам ўшалар сўроққа тутишди:

Чорбоққа нечта одам келди?

Улар асирликка тушишга, сичқон қироли ҳазрати оливларининг хизматида бўлишга розимилар?

— Холодильникда қандай озиқ-овқат маҳсулотлари сақланыпти? Уларни тезлик билан ертўлага ташиб олишнинг иложи йўқми?

— Уй эгалари мушук ҳам олиб келдиларми-йўқми?

Иван Иванович саволларга хотиржам, бамаъни жавоб берди:

— Чорбоққа келган одамчалар кўп, лекин улар асир тушишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Холодильникда ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари бор. Уларни тезлик билан ертўлага ташиб тушиш мумкин эмас — уй эгалари билиб қолишади. Лекин озгина колбаса ёки пишлоқ олиш мумкин. Албатта, буни ҳам, уни, яъни Иван Ивановични айирбошлаш ҳисобига. Уй эгалари мушук олиб келганлари йўқ. Бироқ бу қийин масала эмас. Бордию улар сичқон борлигини, сичқонлар холодильник симини кемириб узганларини билиб қолишса, махсус мушук прокати ательесидан мушук олишади.

Шундан сўнг генераллар колбаса пўстидан қилинган камарларини шилдиратиб, қирол билан пичир-пичирга тушиб кетдилар. Бурени эса яна марказий майдонга олиб бориб, болалар ўйинчоқ автобусига ўтказиб қўйишди. Уни кафолатли ҳайвонот боғига айлантиришди. Кимда ким уни кўрмоқчи бўлса, марҳамат, қирол озиқ-овқат хазинасига бир паррак-бир паррак колбаса олиб келаверсин.



РАЗВЕДКАЧИЛАРГА СОСИСКА
БЕРИЛДИ



Кечқурун Таня билан аяси ошхонага қафас-қопқон қўйишди. Қафас-қопқончани Танянинг ўзи бир неча марта синаб кўрди. Илгакчасини туртиб юборса, эшикчаси шарақ этиб ёпилиб қолади.

Қизча икки марта бармоғини яхшилаб қистириб ҳам олди, лекин бундан жаҳли чиққани йўқ, аксинча, хурсанд бўлди. Яъни бундан қизчанинг ёмон бўлаги — Жоҳила хурсанд бўлди. Оқила эса бу ишга тиш-тирноғи билан қарши эди.

Уйга уйқу фариштаси келганида, Жоҳила биринчи бўлиб ухлаб қолди. У тезроқ эрталаб бўлишини, қафас-қопқончага тушиб қолган одамчаларни тезроқ кўришни истарди.

Оқила эса ҳеч ҳам ухлай олмасди. У нуқул: одамчаларни тутиб олсам яхши бўлармикин ёки ёмон бўлармикин, дон ўйлагани-ўйлаган эди. То эрталаб туриб чиқариб олгунимизча, қафас-қопқончага тушиб қолган одамчаларнинг ҳоли нима кечаркин, деб ўйлайвериб ўйига етолмасди.

Хуллас, қизалоқ тўшакда алламаҳалгача уёқдан-буёққа яғнаб ётди, бу кеча тунги ҳаёт одатдагига нисбатан ярим соат кеч бошланди.

Усталар Музлатаринникида электрда қайнамаган чойдан ичиб, қулоқларини динг қилиб ўтиришар эди.

Тўсатдан қитир-қитир овоз эшитилди, кейин хурсанд бўлиб чийиллаган товуш келди, пол устида югур-югур бошланди.

Қафас-қопқон шарақлаб ёпилди.

Тумшуғидан илинди тулкилар! — деди Музлата-

рин.— Юринглар, оламиз. Булар ҳалиги отлиқ армия лейтенантлари бўлса керак.

Одамчалар сичқонвойларни қафас-қопқондан чиқариб, холодильникка олиб келишди. Сўнги Ахборот дарров бўйинбоғ ясади, бўйинбоғни сичқонвойларнинг бўйнига солиб, уларни мотор тагидаги пружинага боғлаб қўйди-да, сўроқни бошлаб юборди:

— Фамилиянг? Исминг? Отангнинг исми?

— Смирнов Андрей Андреевич!

— Смирнов Андрей Андреевич! — дея бараварига чийиллашди сичқонвойлар.

— Нима бало, ака-укамисизлар?

— Йўқ, бизнинг ҳамма сичқонларимиз уй эгасининг номида юради.

— Ғўрсичқон билан Зўрсичқон-чи?

— Улар бошқа уйдан. Адашиб қолиб, бизга келиб қўшилишган.

— Қандай топшириқ билан келдинглар? — дея сўроқда давом этди радиосоз уста.

— Разведка ҳамда қўпоровчилик!

— Қўпоровчилик ҳамда разведка!

— Қанақа қўпоровчилик?

— Уй эгаларининг елимини ўғирлаб, холодильникнинг остига тўкиб қўйиш. Ўзимизни ёпишиб қолишдан сақлаш ҳамда кафолат одамчаларининг ёпишиб қолишини пойлаб ўтириш.

— Устомонлик! — деди Музлатарин.— Бу тадбирни биз ўзимиз қўллашимиз керак.

— Бурени нима қилдинглар? Аҳволи қалай? — деди болакай.

— Қари кафолатчими? — дея чийиллаб бараварига сўрашди Андрей Андреевичлар.— Яхши. Уни ҳайвонот боғи қилиб қўйганмиз.

— Қанақа ҳайвонот боғи? Қандай қилиб?

— Оппа-осон. Марказий майдон яқинида автобусга ўтқазиб қўйдик. Кимда ким уни кўрмоқчи бўлса — бир паррак колбаса олиб келиши керак.

— Агар биз уни сизларга алмашиб олмоқчи бўлсам, бошлиқларингиз нима дейди, кўнишадими?

— Кўнишмайди. Нимага десангиз, ундан даромад келди. Биздан нима фойда?

— Кимга даромад келади?
— Қирол ҳазрати олийларига!
— Ҳай, майли,— деди Музлатарин.— Овқат ейсизларми?

— Кулгили,— деди сичқонвойлар.— Еганда қандоқ!
— Нима берайлик — сосисками, пишлоқми?
— Пишлоқ ҳам, сосискаям!
— Сосискаям, пишлоқ ҳам! — дея жавоб беришди шовшоз Андрей Андреевичлар.

— Ана холос! — дея ҳайрон бўлди радиосоз уста.— Шулар бизга душман-у, биз бўлсак, уларни худди санаториядагидек, сосиска бериб боқамиз.

— Керак, керак,— деди Музлатарин.— Гап бор. Қола-норса, одамнинг раҳми келади, жудаям ёқимтой болалар экан.

— Ҳам хушчақчақ,— дея қўшимча қилди Чангютарин.
— Худди шундай,— дея бараварига чийиллади сичқонвойлар.— Ёқимтоймиз. Хушчақчақмиз.

Музлатарин кичикроқ бир сосиска олиб, асирларнинг олдига қўйди. Икки асир сосискани икки томонидан шитира-шутир қилиб, пок-покиза тушира бошлади. Беш дақиқа ўтир-ўтмас уларнинг тумшуқлари тўқнашди. Сосискадан янги асар ҳам қолмаган эди.

— Бўлди, тамом,— деди Музлатарин.— Энди бориб чўт-мани олиб келиш керак.

У ҳужрасига чиқиб, кичкина-кичкина иккита пуркагичли баллонча олиб тушди.

— Мана буниси сенга,— деди у биттасини Чангютаринга бериб.— Ҳар эҳтимолга қарши. Ичида гелий гази бор. Иккиси нарса. Ҳужум-пужум бўлиб қолса ишлатасан. Жумрагини очсанг, ичидан худди ўт ўчиргичникига ўхшаш гази отилиб чиқади. Муздай. Бирпасда атрофинг қиш бўлади-қолади. Пўстин кийсанг ҳам бўлаверади. Қизиган бошниям яхши совитади. Мана буниси эса бизга,— деди у радиосоз устага қараб.— Бунда катта босимли бўёқ бор. Ишқилиб, айтинг-айтинг, бизга ҳеч ким ҳужум қилмасин! Акс ҳолда, ҳоли вой бўлади. Квитанциясини олиб, химчист-мани берсанг ҳам тоза бўлмайди.

Шундан кейин ёши катта усталар йўлга тушди, болақай шунини Музлатариннинг ҳужрасига кириб, уйқуни урди.

Сичқонвойлар пастда, холодильник тагида қолишди.

ЧАҚАХЎРОВ НОМИДАГИ АҚСИЛБЕЗОРИ МОСЛАМА



ужра жимжит бўлиб қолган заҳоти
холодильникка иккита разведкачи яқинлашди. Чамаси бу-
лар Зўрсичқон билан Ғўрсичқон эди.

— Ҳа, қўлга тушдиларингми? — дея сўрашди улар.

— Ҳа, қўлга тушдик, — дейишди асир сичқончалар
тирқишдан.

— Қаттиқ турибсизларми?

— Қаттиқ турибмиз.

— Яхши. Сизларни қутқазиб оламиз.

— Э, йў-ўқ, кераги йўқ, — дейишди асирлар. — Бизга
шу ер яхши.

— Нега?

— Сосиска беришяпти.

— Нима? — дея ҳайрон бўлишди янги разведкачилар. —
Заҳарланганми?

— Йўқ, яхши.

— Мен умрим бино бўлиб ҳали бирор мартаям сосиска
еганим йўқ, — деди жуссаси кичикроқ сичқонча.

— «Еганим йўқ» эмиш! Мен ҳатто кўрмаганман ҳам! —
деди хунук кулиб шериги. — Қанақа бўлади ўзи? Тўртбур-
чакми? Тешик-тешик?

— Йўқ. Узунчоқ, дум-думалоқ бўлади, — дея жавоб
беришди асирлар. — Ўртаси роса ширин.

Ҳар иккала разведкачи ҳам катта мағлубиятга учрабди.
Шу сабабли Зўрсичқон билан Ғўрсичқон вазият ҳақида
ахборот бериш учун шошилинич равишда изларига қайтишди.

Музлатариннинг муддаоси ҳам худди ана шу эди. У

сосиска ҳақидаги гап иложи борича душман армияси сафларига тезроқ етиб боришини жуда-жуда орзу қилган эди.

Бу сафар ёмғир ёғмаётган эди, шу сабабли усталар телефон будкасига унча қийналмасдан етиб олишди.

Музлатарин ҳатто хиргойи ҳам қилди:

*Бир илтимос, билгим келар,
Эй фолбинлик, жавоб қил:
Қандай қилиб чўзса бўлар
Кафолатни уч-тўрт йил?*

— Кафолатга фолбинликнинг нима алоқаси бор? — дея сўради Сўнги Ахборот.— Ахир бу кафтга қараб, одамнинг тақдирини айтиб берадиган илм-ку?

— Тўппа-тўғри,— деди Музлатарин.— Сен билан менинг кафтимизга қараб, бизнинг уста эканлигимизни айтиб бериш мумкин. Уста бўлгандаям унча ёмон уста эмасмиз. Фақат шуниси ёмонки, орамизда баъзи бировлар уста сифатида биринчи ўринда, аммо одам сифатида иккинчи ўринда туради.

— Бўпти, бўпти,— деди Сўнги Ахборот.— Илтимос, шима қилмай қўяқол. Азбаройи сенинг одамгарчилигинг деб неча марталаб қоидани буздик. Ҳозир ҳам аҳволимиз ихши эмас. Пастда сичқонлар ғашга тегади, тепада — кизалоқ. Ҳали бунинг охири нима билан тугаши номаълум.

Булбулигўё Чақахўров, хизмат лақаби — Ноль Бир уларни кутиб ўтирган эди.

— Намунча қораларингни кўрсатмай кетдиларинг? — деди у.— Чўткани энди ўзим олиб бориб бермоқчи бўлиб турувдим.

— Бора кўрманг! Ишимиз чатоқ! Балки ҳали биз ҳам кетиб қолармиз.

Унга бошларидан ўтган ҳамма гапни айтиб беришди.

— Сизларга одамнинг ҳаваси келади,— деди Чақахўров.— Ҳеч бўлмаса қизиқ-да. Мен бўлсам, бу ерда худди консерва қутисида ўтиргандай ўтираман. Майли, ҳечқиси йўқ, мен безориларга қарши курашнинг яна бир йўлини уйлиб қўйдим.

Хўш, у қанақа йўл экан?

Жуда жўн. Қулфга шундай бир мурват ўрнатилади.

Агар кимда ким автоматни бузса, қулф ўз-ўзидан ишга тушиб, қулфланиб қолади. Қарабсизки, қонунбузарни милиция эрталаб худди қўзиқорин тергандай териб кетаверади. Қалай, зўрми?

— Емон эмас,— деди Музлатарин.— Фақат агар бақувватроқ қонунбузар тушиб қолса, эрталабгача автомат уёқда турсин, будка-мудканиям кўтариб жўнаволади. Ана унда териб оладиган нарсаям қолмайди.

— Э, онасини эмсин! — деди жаҳли чиққан Чақахўров.— Овинг юрса, довинг юрмас экан-да! Барибир бир нарса ўйлаб топаман. Бўлади, «Чақахўров номидаги аксил-безори мослама» албатта бўлади!


Усталар йўлда ҳеч қандай саргузашт рўй бермаган бўлса-да, уйга тонготарга яқин қайтишди.

Биринчи навбатда олиб келган чўткаларини холодильникка қўйиб қўйишди.

— Қаерда тунайсан? — деб сўради Музлатарин радиосоз устадан.— Жойингга борасанми ё бизникида қоласанми?

— Жойимга бормасам бўлмайди,— деди радиосоз уста.— Ҳозир ёз пайти, приёмникка бирорта капалак-папалак учиб кирса ё қўнғиз-пўнғиз кириб олса борми — бошимга битган бало бўлади! Кўз-қулоқ бўлиб туриш керак.

— Фақат эҳтиёт бўлиб кет. Ён-верингга қараб юр.— Музлатарин радиосоз устага бўёқли баллончани берди.— Кўзингга қара, сен ҳам йўқолиб-нетиб юрма. Шу ташвишларнинг ўзиям етиб ортади.



ҒҮРСИЧҚОН ЗҮРСИЧҚОННИ МИНИБ КЕЛЯПТИ



афас-қопқон бўм-бўш эди. Қараса, хў-
рак ҳам жойида, аяси хотиржам бўлди:

— Худога шукр! Сичқон йўқ экан.

Лекин хотиржам бўлиш қизалоқнинг хаёлида ҳам йўқ
эди:

— Сичқон йўқ бўлса нима қипти? — деди у. — Мен
сизга сичқон бор демаяпман, одамчалар бор деяпман.
Улар қафас-қопқонга тушмайди. Нима қилишни энди ўзим
биламан. Мен-чи, ая, ошхонага-чи, тиш порошогини сепиб
чиқаман. Агар одамчалар ростданам бўлса, порошокка
иви тушиб қолади.

— Сепдириб бўпман сенга! — деди аяси. — Ўзи шусиз
қим қўлим пол ювишдан бўшамайди. Сен уни яна ифлос
қилмоқчимисан?

— Жо-он аяжон, бир мартагина сепаман, холос. Кейин
ўзим артиволаман!

— Ҳай, майли, агар ўзинг артиб олсанг, сепақол. Фақат
полнинг ҳаммаёғини булғаб ташлама. У бурчакдан бу
бурчакка йўлакча қилиб сепиб чиқсанг бўлди. Супуриш
қим осон. Агар одамчалар бўлса, албатта излари тушиб
қолади.

Ура! — дея қичқирди қизалоқ.

Лекин бир шартим бор: кун бўйи яхши қиз бўлиб
ирилсан, хўпми? Бўлмаса, сепдирмайман, — деди аяси.

Яхши қиз бўламан, аяжон, яхши қиз бўламан!
Ириқолинг, қани, берақолинг ширгуручимни!

Оббо, зумраша-ей! — деб юборди Сўнгги Ахборот.

У приёмник ичида, ўз ҳужрасида ўтирган эди, бор гапни эшитди.— Ишимиз пачавага ўхшайди. Бу зумраша бизни ҳол-жонимизга қўймайдиган кўринади. Тезроқ жуфт-такни ростлаб қолмасак бўлмайдами дейман-ов.

Чиндан ҳам ҳамма ишлар чаппасига кетди. Кафолат одамчаларининг болалар кўзига кўриниши қатъиян ман этилган эди. Буни ҳатто ҳамма катталар ҳам билавермасди. Кафолат одамчаларидан фақат завод-фабрикалардаги асосий мутахассислар хабардор бўлади, холос. Улардан болаларнинг хабар топиб қолиши эса сира йўл қўйиб бўлмай-диган хато. Шунинг учун ҳам уй эгалари чиқиб кетиш-лари биланоқ радиосоз уста бошини чангаллаб Музлатаринникига югурди:

— Войдод! Шўримиз қуриди! Биласизларми, анави зумраша нима қилмоқчи?

— Нима қилмоқчи?

— Изимиз тушиб қолиши учун ошхонанинг у бурчагидан бу бурчагига тиш порошоги сепиб йўлак қилиб чиқмоқчи.

— Иш расво! — деди Музлатарин.

— Аста айтасизми! — дея қичқирди Сўнгни Ахборот.— Агар у зумраша бизни топиб олса, биласизми, нима қилади? Ётқизиб ухлатади, аравачасига ўтқазиб кўча айлантиради, шакарли сомса едиради! Бинтга ўраб-чирмайди, кўк дори суради, эртадан кечгача иссиғимизни ўлчайди!

Чангютарин маъқуллаб бош ирғади, Музлатарин индамади.

— Агар у бизни бирорта болага совға қилиб юборса, ана унда кўринг томошани! Бола бизни чўнтагига солиб юради! Қаламтарошга алмаштиради! Ўзи ясаган қўлбола кемада сузишга мажбур қилади! Ўйинчоқ солдатларга айлантиради! Мен бунақа кунга тушишни хоҳламайман, истамайман!

— Мен ҳам,— деди Музлатарин.— Мен ҳам хоҳламайман.

— Бундан чиқди, фурсатни ўтказмай, ҳозироқ ҳар қайсимиз ўз заводимизга жўнашимиз керак!

— Буре нима бўлади? — деди Музлатарин.

— Билмадим, нима бўлади,— деди радиосоз уста.— Лекин битта одам деб ҳаммамиз ҳалок бўлишимиз мумкин эмас. Бир кишидан кўра ҳамма муҳимроқ. Шундай қонун бор.

— Нотўғри бу! — деди Музлатарин.

— Нега? — дея ҳайрон бўлди Сўнгни Ахборот.

— Ростдан ҳам нега энди нотўғри бўларкан, Музлатарин амаки? — дея гапга аралашди болакай.

— Нега бўларди,— дея тушунтира бошлади уста.— Дастлаб биттадан кўра ҳамма муҳим деб ҳисоблайсизлар. Кейин кўпчилик озчиликдан муҳим деб ҳисоблайсизлар. Ҳориб-бориб охирида кўпчилик эмас, аксинча, бир киши, онг муҳим одам қолган бошқа ҳаммадан муҳимроқ бўлиб чиқади.

— Бари қуруқ гап,— деди радиосоз уста.

— Ҳеч қанақанги қуруқ гап эмас,— дея эътироз билдирди Музлатарин.— Буюк Трансформаторни, 127 билан 220 ўртасидаги урушни бир эслаб кўр.

Худди шу жойда усталарнинг гапи узилди. Нимага десангиз, ошхонадан аллақандай қий-чув эшитилди. Одамчилар тирқишлардан мўралашди, Музлатарин:

— Ўҳ-ҳў! — деди.— Кўзларимга ишонмаяпман... Ғўр-сичқон Зўрсичқонни миниб келяпти!

— Тўппа-тўғри,— деган овоз келди бунга жавобан.— Фикат, аксинча. Миниб келаётган менман!

Оқ байроқ кўтариб олган эски танишлари уларга яқин келди. Бирини бири миниб олган.

— Нимага бундай қилиб юрибсизлар? — дея сўради Музлатарин.

— Бунинг унвони пасайтирилди,— деди эгарда ўтирган тикроқ лейтенант.— Лейтенантликдан отликқа туширилди. Қисмат офицерни минг кўйга солади. Қимки омадни минмава, унинг ўзи минилади.

— Нимага унвонингни пасайтиришди, нима гуноҳ қилдинг? — дея сўради болакай сичқондан.

От-сичқонча колбаса пўстидан қилинган сўлиғини хомуш чайнади, кўзлари хира тортди. Бир хўрсиниб олди-да:

Тишлаб қўйдим. Шунинг учун,— деди.

Нимани тишлаб қўйдинг?

Ҳалиги сизлар берган колбасани. Тишламасдан, тирик олиб бориш буюрилган эди. Мен тирик олиб борулмадим.

Чамамда, тартиб-интизомларинг жуда қаттиққа ўхшиди,— деди Музлатарин.

Бўлмасам-чи! — деди отлик лейтенант.— Биз, сичқон-

ларда армия — мураккаб нарса. Бизда армия дегани — ҳамма иш «югур» деган буйруқ остида бажариладиган бир дам олиш уйи.

— Хўш, келишдан мақсадларинг нима? — дея сўради радиосоз уста — яна куппа-кундуз куни?

— Мақсадимиз шуки,— деди лейтенант.— Биз тиш-тирноғимиз билан норозилик билдириш учун келдик. Нима учун сизлар ҳарбийчасига иш тутмаяпсизлар? Нима учун сизлар асирларни сосиска бериб боқяпсизлар?

— Нима бўпти? Бунинг нимаси ёмон?

— Ёмон. Бу гап бизнинг аскарларимиз қулоғига етиб борди, мана энди, бутун армиямиз асир тушмоқчи. Узларинг ўйлаб кўринглар, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, душман буёқда сосиска бериб сийлаб турса, уёқда муҳтожликда яшашдан, ҳужум қилиб, яна эски этикни ғажидан нима маъни чиқади? Хўш, сизлар бунда бирор маъни кўрасизларми?

— Кўрмаймиз.

— Мен ҳам кўрмаяпман. Бошқалар ҳам кўрмаяпти. Шунинг учун биз асирларни боқмасликни сизлардан қаттиқ туриб талаб қиламиз! Озгина қотган увоқ билан озгина сув бўлса, бас. Шуниям кунора беринглар! Тагин ёрилиб ўлишмасин булар!

— Бордию талабларингни бажармасак-чи? — деди Музлатарин.— Бордию биз уларга, айтайлик, чўчкаёғ берсам-чи? Унда нима қиласизлар?

— Ҳали чўчкаёғларинг ҳам борми?

— Албатта, бор-да.

— Унда, билмадим. Бу барча қонун-қоидаларни бузиш бўлади! Бу ҳарбий жиноят бўлади! Бутун армиями тарқаб кетади. Тарқаб, тўғриям қилади. Қўмондоннинг бошидан кўра, солдатнинг қорни азиз.

— Гап бундай! — деди унинг гапини кесиб Музлатарин.— Агар бизнинг устани қайтариб берсанглар, биз бунинг эвазига сизларга колбаса, қанд берамиз. Агар қайтариб бермасанглар, ҳолингизга вой бўлади. Биз қафас-қопқонни, электр токини, ҳатто оламшумул сув тошқинини ҳам ишга соламиз.

— Қандай қилиб?— дея сўради лейтенант.


— Қандай қилиб бўларди,— деди радиосоз уста.— Розиная ичакнинг бир учини сув тўла челака, бир учини

сизларнинг инингизга тиқиб қўямиз. Кейин шалоббогина бўлиб, ўзларинг чиқиб келиб қўлга тушаверишларингни пойлаб ўтирамиз.

— Тушунарли,— деди Зўрсичқон.— Денгиз флоти ташкил этишимизга тўғри келади. Картошкаларни кемириб қайиқлар ясашимиз лозим.

— Кемириб нима ясананглар ясайверинглар, бизга деса, авиация ясанглар! — деди жаҳли чиқиб Музлатарин.— Лекин эртага кечкурунга қолмай Буре шу ерда бўлсин!


Ана шундан сўнг сичқонвойлар хаёлга ботиб, бошларини ҳам қилганча жўнаб қолишди.



220₃

Ўн иккинчи боб

БУЮК ТРАНСФОРМАТОР



127₈

— ўш, нима қарорга келдинг? — дея сўради Музлатарин радиосоз устадан.— Ҳозироқ кетасанми?

— Кетаман.

— Оқ йўл! — деди Музлатарин.— Лекин кўнглим сезиб турибдики, ҳеч қаёққа кетмайсан.

— Нега энди кетмас эканман? — деди радиосоз уста.

— Нимага десанг, радиоланг ишламайди.

Радиосоз уста бошини чангаллаб қолди:

— Ҳа-я, тўғри-я! Тўғри-я! Эсим қурсин! Вой, эсим қурсин-а!

Радиосоз уста азбаройи ҳаяжонланганидан Музлатарин ҳужрасининг у бошидан бу бошига бориб кела бошлади.

— Музлатарин амаки,— деб сўради кутилмаганда болакай.— Ҳали айтганингиз 127 билан 220 ўртасидаги уруш қанақа уруш у? Мен эшитмаган эканман.

— Ҳозир айтиб бераман,— деди Музлатарин.— Бирпас сабр қил... Менга қара,— дея у кейин яна радиосоз устага мурожаат қилди.— Агар малол келмаса, манави пармаини ол-да, чиқиб, полнинг бир-икки жойини тешиб кел. Ертўлада нима гаплар бўлаётганидан хабардор бўлиб туришимиз керак.

Сўнгги Ахборот пармани олиб чиқиб кетди. Музлатарин ҳикоясини бошлади:

— Авваллари, бундан йигирма йилча илгари, ҳамма телевизорлар, холодильниклар, бошқа нарсалар ҳам 127 вольт кучланишли токка мўлжаллаб чиқариларди,— деди

у. — Кейин эса 220 вольтга мўлжалланганлари ҳам чиқарила бошланди. Тушундингми энди?

— Тушундим. Нимасига тушунмайман, — деди болакай.

— Аввалига 127 вольтга мўлжалланган кафолат одамчалари кўп эди. Улар асосий усталар бизмиз, дейишарди. Ўзлари учун радиоприёмниклар, кавшарлагичлар, дазмоллар қилишарди. Лекин 220 вольтга мўлжалланган усталар борган сари кўпайиб борарди. Бора-бора, 127чилар камчилик бўлиб қолди. Лекин улар ўзларини асосий усталар бизмиз деб ўрганиб қолишган, шунинг учун ҳеч ён бергилари келмасди. Ана шунда уруш бошланиб кетди. Ҳар бир уйда, ҳар бир заводда! Қанчадан-қанча асирлар қўлга тушди, қанчадан-қанча бузишлару синдиришлар ташкил этилди. Ушанда — булар ҳақида бутун бошли китоб ёзса ҳам бўлади.

— Буюк Трансформатор ким? — деб сўради болакай.

— 220чиларнинг шундай бир раҳнамози бўларди. Жуда яқин одам. Кафолат одамчалари Бошқармаси тузишни ўша одам таклиф этган, бошқарманинг ҳозир иккита бўлими бор — 127 бўлими, 220 бўлими. Ҳар бир шаҳар ёки посёлканинг ўз бошқармаси бор. Ҳатто бундай бошқармалар катта кемаларда, самолётларда ҳам бор. Мазкур бошқармада кимлар кўп бўлса буйруқниям ўшалар беради.

— Буюк Трансформаторга нима бўлди кейин?

— Ҳеч нарса. Қайдадир ишлаб юрибди. Кир ювиш машинасидами-ей. Полни пардозлайдиган машинадами-ей. У жудаям камтар одам. Урушни бас қилди-да, ишга тушиб кетди. Лекин деярли ҳар бир уйда унга қўйилган ёдгорлик бор.

— Қанақа ёдгорлик? — дея ҳайрон бўлди Чангютарин.

— Жўн ёдгорлик. Трансформатор деган шунақанги бир ускуна бор. Бу ускуна кучланишни ўзгартира олади, 127 ни 220 га ёки 220 ни 127га айлантириб қўяверади. Эшитганимисан ҳеч?

— Албатта, биламан. Устахонада ўтганмиз.

— Худди ана шу трансформаторчалар ўша устага қўйилган ёдгорликлар ҳисобланади, билдинг?

— Қизиқ нарса экан, — деди болакай. — Буни ошангайниларнинг туғилган кунларида совға қилсаям бўларкан.

Шу тобда ҳужрага Сўнгги Ахборот кирди.

— Тешикчалар тайёр, — деди у. — Бориб кўришингиз мумкин.

Усталар пастга тушиб кетишди.



К

**ҚИРОЛ
АВТОМОБИЛИНИНГ
МОТОРИ**

Қирол салтанатининг бош майдони устига йўл-йўл қуёш чиқди. Бу қуёш полни, инларни, қирол саройини чарақлатиб юборди.

Буре ўз ҳайвонот боғи-автобуси деразасидан ташқарига кўз ташлаб, сездики, қирол салтанатида ишлар жойида эмас, аллақандай алғов-далғов, нотинчлик ҳукмрон. Сичқонвойлар тўда-тўда бўлиб изғийди, майдондан ҳали уёққа, ҳали буёққа ўтишади. Ҳар бир тўда ўз шиорини кўтариб олган. Уста ҳайрон бўлиб шиорларни ўқиди:

**ЖАНГ ҚИЛМАЙМИЗ, АСИР ТУШАМИЗ,
НЕГАКИ, УҚ ДАН СОСИСКА ШИРИН!
ИЎҚОЛСИН ПОРОХ, ЯШАСИН ТВОРОГ!
АГАР ЕВ — ОЛИМ, БЎЛМАС У ЗОЛИМ!
КЕЧСАК ГЕНЕРАЛЛАР БОШИДАН РОСА
БИЗГА БЕРАДИЛАР ЕҒУ КОЛБАСА!**

Ҳеч қандай тумтароқ бўлмаган, жўнгина шиорлар ҳам бор эди. Мисол учун мана бундай:

**БИЗ КАФОЛАТ ОДАМЧАЛАРИ БИЛАН ДЎСТ
БЎЛИШНИ ИСТАЙМИЗ, ЧУНКИ УЛАР
АЖОЙИБ, ҚЎЛЛАРИДАН ҲАММА НАРСА
КЕЛАДИ.**

**АГАР У КАФОЛАТ ОДАМЧАСИ БЎЛСА, БУ
АЛБАТТА У ЕМОН ЕКИ ЗАРАРКУНАНДА
ДЕГАНИ ЭМАС!**

Шу пайт ўйинчоқ автомобилчада қирол келиб қолди. Уни отлиқлар, тўғрироғи, колбаса пўстидан камар тақиб олган сичқон отлиқ армиясининг генераллари қуршаб олдилар. Қирол автомобилдан тушди-да, унга:

— Тўхташ жойига бориб, мени ўша ерда кутиб тур,— деди.

Ажабо! Автомобилча ўзидан-ўзи бурилди-да, Буре ўтирган автобус томон ғизиллаб кетди.

Майдонда ақл бовар қилмас даражада алғов-далғов, қий-чув авж олди.

Қирол минбарга чиқиб, нутқ сўзлади:

— Қадрли сичқонлар, қимматли ватандошлар! Ичимиздан айрим муртадлар, хоинлар чиқиб қолди. Таассуфки, улар кўпчилик! Улар душманнинг яхши яшаётганидан хибар топиб қолиб, биз ҳам улардан ёмон яшамаслигимиз керак, деган қарорга келдилар! Буни сотқинликдан бошқа нарса деб бўлмайди. Биринчи галда биз кафолат одамчаларини қўлга олишимиз керак!

Оломон ичидан овозлар келди:

— Нега?

— Нима учун?

— Агар биз уларни қўлга олсак,— деди қирол.— Бу бизнинг ғалабамиз бўлади! Тушундиларингми? Ура!

Аммо оломондан садо чиқмади. Ҳеч ким «ура» деб қичқирмади. Бундан фақат айрим генералларгина мустасно.

— Майли, бўпти,— деди қирол.— Кўриб турибман, фикрларда ихтилоф бор. Энди бизнинг олдимизда битта масала турибди: ё қирол салтанати, ё колбаса? Ё колбаса, ё қирол салтанати? Биз ҳозир ана шу масалани ҳал этишимиз керак. Кимга қирол салтанати керак бўлса — ўнгга, кимга колбаса керак бўлса чапга ўтсин!

Майдонда ғала-ғовур бошланди, ҳамма ўйланиб қолди. Вуренинг қулоғига эса кутилмаганда:

— Ҳой, одамча! Гапимни эшитяпсанми? — деган овоз чалинди.

— Кимсан? — деди Буре.

— Менман.— Машина остидан жимитдай оқ сичқонча чиқиб келди.— Менман, Васяман.

Нима қилиб юрибсан машинанинг тагида?

— Мен — моторман. Бир от кучига эга бўлган мотор. Машинани юргизаман.

— Нима, уни калит билан юргизиб бўлмайдами? — дея сўради Иван Иванович.

— Юргизиб бўлади,— деди сичқонча.— Унда менга иш қолмайди-да, Калит билан юргизиб бўлишини қиролга атай билдирмай юраман. Ўзи билмайди, техникадан бум-бум!

— Ўзинг-чи, ўзинг бум-бум эмасмисан?

— Йўқ. Мен Пионерлар саройида турганман. Жонли бурчақда. Кейин қочиб кетдим. Техникани ўргатадиган ҳар хил тўғаракларда бўлдим.

— Бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Тасодифан. Кичкина моторчали самолётга чиқиб, ухлаб қолувдим. Эрталаб уни учуриб юборишди. Шамол шу ёққа олиб келиб ташлади. Ўшандан бери шу ерда яшаб юрибман.

— Мен билан кетасанми?

— Бўлмасам-чи! Опкетасизми?

— Бир амаллаб бу ердан чиқиб кетишимга ёрдам берсанг, майли.

— Ёрдам беришимга ҳожат ҳам қолмайди шекилли,— деди сичқонча.— Менимча, сизни шундоғам чиқариб юборишса керак. Кўряпсизми, сизни деб ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетди.

Шу орада сичқонвойларни қирол салтанатини яхши кўрадиганларга ҳамда колбасани яхши кўрадиганларга ажратиш ниҳоясига етди. Колбасани яхши кўрадиганлар ўнта чиқди. Қирол тарафдорлари ўн иккита. Булар ичида тўртта отлиқ генерал ҳам бор эди.

— Отлар-чи? — деди Иван Иванович.— Нима, улар ҳисобга кирмайдами?

— Ҳисобга киради,— деди сичқонча.— Лекин уларнинг иложи қанча? Генераллар миниб ўтиришибди-ку!

Шунда сичқончанинг эсига бир нима тушиб қолди. У автомобиль юкхонасини кавлаштириб, доритомизгичнинг учи ингичка — пойнакли шишчасини топди. Бу бошқа биров учун пойнак бўлса пойнақдир-ку, лекин сичқонча учун горн-карнай эди. У бошини баланд кўтариб, карнай чалди: га-га-га-гу! Га-га-га-гу!

Бу сичқон қироли салтанатининг гимни эди. Барча сичқонлар орқа оёқларида туриб, қадди-қоматларини гоз тутиб, тек қотиб қолишди. Генераллар ҳам отларидан

сакраб тушиб, ғоз туришди. Отлар ҳам шундай қилишди.
Ҳаммаси ашула бошлади:

*Шу ўрмонда туғилди арча,
Шу ўрмонда ўсди тўрт фасл.
Қишин-ёзин у қаққайганча
Турар доим шундай ям-яшил.*

— Гимнларинг галати экан,— деди Буре.

— Буни мен таклиф қилганман. Яхши қўшиқ. Болалар
инги йилда айтишади. Роса ўйин-кулги бўлади. Кўп кон-
фетлар полда қолиб кетади.

Чамаси, гимн сўзларини ҳамма сичқонвойлар ҳам яхши
билмасди. Нимага десангиз, кўплари мана бундай айтарди:

*Кўм-кўк арча остида кулранг
Қуёнчалар сакрар иштончанг.
Гоҳи бўри, баджаҳл бўри
Тишлаб келар бир қўйни тажанг.*

«Совуқ қорга йўргаклар: «Эҳтиёт бўл, муз қотма!..»
сўзлари негадир «Товуқ тўрга сургаклар: «Эҳтиёт бўл, туз
тотма!..» тарзида эшитиларди.

Уёқда қўшиқ янграб, ўрмонда арчалар ўсаверди,
«хусусий» ўрмондаги қорлар ғичир-ғичир қилаверди,
ҳар хил «туёғи ҳўл отчалар» дикир-дикир ўйноқлаб
юраверди, буёқда эса сичқон-отчалар сездирмасдан, бир
қадам-бир қадамдан сурила-сурила колбаса тарафдорлари
томонига ўтиб олаверди. Натижада ҳисоб қатъиян ва
узил-кесил колбаса тарафдорлари фойдасига ўзгарди.

— Табриклайман! — деди оқ сичқонча Иван Ивановичга.

— Ура! — деди Иван Иванович.

Пол тешикчаларидан уларни кузатиб турган усталарнинг
ҳим кўнгиллари бирмунча жойига тушди. Улар ҳужрага
қайтиб кетишди.

— Унча ёмон сичқонлар эмас экан,— деди Чангютарин.

— Улар билан жанг қилиш керак эмас, уларга иш
ўргатиш керак,— деди Музлатарин.— Ҳеч бўлмаса Машка-
чилик фойдаси тегар-ку.

— Машкаси бўлган соат — яхши,— деди Сўнгги Ахбо-
рот.— Лекин сичқони бўлган соат — аллақандай бемаъни
ирса!

Машка гап ўзи тўғрисида кетаётганини эшитиб қолиб, буфетдан бошини чиқарди-да, куккулашга тушиб кетди! Ҳамма бараварига унга ташланди:

— Нима бало, эсингни едингми?

— Кишт-э!

— Қулоқни қоматга келтирвординг-ку!

— Ҳали куккула, ҳали куккулама! — деди Машка жаҳли чиқиб! — Чалғитишдан бошқа ишларинг йўқми!

Кейинги вақтларда Машка мириқиб, тиниқиб ухлади, дам олди, ёшариб, жуда ажойиб каккуча бўлиб қолди. Ҳатто учишгаям уриниб кўрди. Доим нимагадир қулоқ солгани-солган. Баъзида қишлоқнинг нариги чеккасидан куккулаган овоз эшитилиб қолади. Баъзида бир «кук-ку», баъзида икки «кук-ку» ёки бутун бошли ўн икки «кук-ку». Ҳеч тушуниб бўлмайди ё тирик какку соат бўйича куккулашни ўрганиб олган, ё соат каккуси тирик каккуга ўхшаб куккулашни ўрганиб олган. Ана шу мавзуда хаёл суриш Машканинг бутун вақтини ҳамда унча зўр бўлмаган ақлини ҳам эгаллаб олган эди.



ОТЛИҚ КАФОЛАТ

К



Кизалоқ Тания шу куни эрталабдан уйни алдар-тўнтар қилиб, одамчаларни ахтаришга тушиб кетди. Ишни томдан, чордоқдан бошлади.

Чордоқ ҳам қоронғи, ҳам чанг босиб қўқиб ётар эди. У ерда ҳар хил қизиқ ҳамда ноқизиқ лаш-лушлар сероб бўлиб, уларга эшигу даричалардан тушган қуёшнинг сап-сабриқ катак-катак муҳри босилиб турар эди.

Кизалоқ эски шкафнинг элчикчаларини очиб қаради, чимадонларнинг қопқоқларини кўтариб кўрди. Унинг хаёлида бир гап: митти уйчалар йўқмикан? Митти уйчаларда митти столчалар турмаганмикан? Митти столчалар ёнида митти одамчалар ўтирмаганмикан?

Ҳаммаёқ тўс-тўс бўлиб, тўзиб, чангиб кетди!

— Қайдасизлар ахир, қайдасизлар? — дея сўради қизча. — Ҳапшчу!..

Лекин одамчалардан дарак йўқ эди.

— Одамчалар, ҳай, ҳапшчу-чалар! Мен сизларга ҳеч қим ёмонлик қилмайман, сизлар билан озгина ўйнайман, кейин ҳапшчу ўртоғимга кўрсатаман... Чиқа қолинглар, жо-он одамчалар! — дея ялинди у.

Лекин одамчалардан ҳамон дарак йўқ эди.

Шунга қарамасдан қизалоқнинг чўнтакчалари ҳар хил қизиқ-қизиқ нарсаларга тўлиб борарди. Аллақандай эскириб кетган бир қулф, мойчироқ, қўнғироқча топиб олди. Кейин патефон дастаги, ёғли қоғозга ўроғлиқ аллақандай иржина топди. Хуллас, жуда кўп, ҳар хил нарсаларга эриги бўлди.

У айтгани-айтган, дегани-деган, жудаям ўр-ўжар, қунтли, эринмас қизча эди! Бундай қунт, ирода билан ўн беш ёшда академик бўлиши ҳам мумкин, агар дарсларниям шундай қунт билан ўрганса!

Кечқурун у ошхонани бошдан-оёқ оппоқ катакларга бўлиб чиқди. Оппоқ тиш порошоги ҳосил қилган йўлаклар айвонни бирпасда арифметика дафтарида юлиб олинган бир варақ катак қоғозга айлантирди-қўйди.

— Бас қилсанг-чи,— деди аяси.— Ундан кўра алифбени ўқи. Йўқ ҳеч қанақа одамчалар!

— Бор! — деди Жоҳила.— Жудаям бор! Ҳали эрталаб кўрасиз!

Турган гапки, аяси уришиб бериши, шу ишни қилдирмаслиги мумкин эди. Лекин шу одамчалар баҳона Таня ўзини тутаётган эди: вақтида ухларди, вақтида овқатланарди. Шунинг учун аяси гапни чўзиб ўтирмади. Қолаверса, қизча полни ўзим тозалайман, ўзим юваман, деб сўз бериб қўйган.

Ҳамма ухлагандан кейин Музлатарин радиосоз устага қараб:

— Хўш,— деди,— сеникига бориб, чўтка ўрнатамизми?

— Ўрнатамиз, ҳозироқ,— деди Сўнгги Ахборот.— Яхшиям, бахтимизга ҳалигача радиолани қўйишмади.

Усталар асбоб-ускуналарини, чўткани олиб, эшикка равона бўлишди.

— Сен ўтириб тур, уёқ-буёққа кетиб қолма! — деди Музлатарин болакайга.— Балки бугун Бурени олиб келиб қолишар.

Йўлни қўлчироқда ёритиб, ҳар иккала уста холодильникдан чиқиб, приёмникка қараб кетишди. Музлатарин чўткани, худди деҳқонлар бир қоп буғдойни орқалагандай, симидан қўшқўллаб ушлаганча елкалаб олган эди.

— Стоп! — деди бирдан радиосоз уста.— Қўряпсанми?

Тиш порошогидан қилинган оппоқ йўлак йўлни тўсиб турарди. Улар айланиб ўтмоқчи бўлишди. Лекин у тарафда ҳам олдиларидан худди шундай йўлакча чиқди.

— Утиб бўлмайди,— деди Сўнгги Ахборот.— Қўлга тушдик... Оббо эринмаган зумраша-ей!

— Ана холос! — деди Музлатарин.— Буниси қизик бўлди-ку! Бу йўлаклардан ҳатлаб ўтиш учун энди ёғочоёқ яшаш керакка ўхшаб қолди.

— Бошқа бирор йўли топилмаса,— деди Сўнгни Ахборот.— Шундай қилишга тўғри келади.

Усталар холодильникка қайтиб киришди.

— То биз ёғочоёқ ясагунча тун ҳам яримлаб қолади! — деди радиосоз уста.— Улгурармиканмиз?

Ана шунда Чангютарининг калласига бир гап келиб қолди.

— Манави сичқонларни миниб олсаларинг бўлмайдими? — деди у.— Нима, улар бўрдоқига боқилгандай ётаверадими? Бизда ҳам отлиқ армия бўлсин-да..

— Зўр гап бўлди! Қани, отландик!

Сўнгни Ахборот бирпасда ингичка симчалардан иккита юганча, елимшак лентадан бир жуфт эгарча, митти гайкачалардан узангичалар ясади.

— Эксплуататорлар! — дея ғазабланишди Андрей Андреевичлар.— Золимлар! Майли, майли! Ортиқча икки шаррак колбасага тушадиган бўлдинглар-да. Печеньё бериб бизни кўндириб бўпсизлар!

— Сенга бир муҳим топшириқ бор,— деди Музлатарин болакайга.— Ерости йўли очиш керак. Ҳадемай асқотиб қолади. Бўпти. Саломат бўл. Эҳтиёт бўл.

Чангютарин ишга тушиб кетди.

Зиз-зз-зз-зз-зза! — дея зилзиллаб ишларди электр парма болакайнинг қўлида. У полни бир неча жойидан тешди. Кейин жажжи аррачада арралаб, у тешикчадан бу тешикчага йўлак очди. Бир неча дақиқадан кейин люк тайёр бўлди. Болакай арраланган доирачани кўчириб олиб ташлади-да, пастга қараш учун полга ўмганлаб ётди. Бирдан тешикчадан чиқиб турган оппоқ мўйловчаларни кўриб қолди. Тирқишдан қирол автомобилининг мотори — сичқонча Вася чиқиб келди.

— Салом, кафолат одамчалари! — деди у.— Мен атай келдим. Аҳвол чатоқ. Сизларга ҳужум қилиш учун тайёрлик кетяпти!

Усталар эса бу пайт иш билан овора эди. Яхшиямки, улар иккови. Бу машаққатли ишни бир одамнинг ўзи билмай олиши қийин. Сўнгни Ахборот бутун кучини ишга солиб, лентали пружинани тортиб турди. Музлатарин эса босўнакай чўткани бир амаллаб уясига қўйди. Ниҳоят, у ишқ этиб жойига тушди.

- Энди ҳар эҳтимолга қарши ҳужрангни йиғнаб-йиғиш-

тириб қўяйлик,— деди Музлатарин.— Балки бирдан кетишимизга тўғри келиб қолар. Ҳеч қандай из қолдирмаслигимиз керак.

— Уни қаранг-а, баъзи бировлар нуқул инструкцияни бузадими, десам, унга амал қилишним билар экан,— дея пичинг билан ўйиб олди радиосоз уста.— Сен ҳужрани йиғиштир. Мен қолган нарсаларни кўздан кечирай. Ўзим бўлмасам ҳам ишлаб турсин-да. Ахир ҳали менинг кафолат муддатим тугагани йўқ-ку.

Улар ишга шўнғиб кетишди. Сўнги Ахборот радиочи-роқчаларни, ярим ўтказгичлару қаршиликларни, ҳар хил ғалтакчалару конденсаторларни бирма-бир кўздан кечирди. Биттасининг чангини артди, биттасини алмаштирди. Музлатарин эса ҳужра деворларини бузди, мебелларнинг мурватини ечиб олиб радиосоз устага узатиб турди. Кейин буларнинг ҳаммасини билинмайдиган қилиб приёмникнинг ичига — ҳар жой-ҳар жойга ўрнатиб чиқишди.

Самовар радиочи-роқчанинг қалпоқчасига айланди, қизил кат эса мотор остидаги ихота қилиб турувчи қистирма бўлди-қолди, стол, девор панеллари эса — юқори кучла-нишли трансформаторнинг томи вазифасини ўтай бошлади.

Усталар ҳужрани яна бир бор кўздан кечириб, пастга, стол оёғига қантариб қўйилган сичқон-отчалар кутиб турган жойга тушишди. Сичқонларга миниб, холодильникка қайтиб келишди.

— Эшитдиларингми? — дея уларга пешвоз чиқди бола-кай.— Бизга ҳужум қилишмоқчи.

— Яна бир янгилик! — деди Сўнги Ахборот.— Қанақа ҳужум?

— Мана, эшитинглар! — Чангютарин уларни оқ сичқон-ча билан таништирди.

Вася бор гапни айтиб берди.



Ўн бешинчи боб
КОЛБАСА УЧУН! ОЛҒА!



а, Чангютарин бекорга хурсанд бўлган эди. Колбаса тарафдорлари устун келган ўша дақиқада қирол яна минбарга чиқди.

— Шундай қилиб, азиз ватандошлар, сизларга колбаса керакми? — деди у.

— Худди шундай, керак!

— Бўпти! Кафолат одамчаларини қўлга олайлик! — дея бақирди қирол. — Уларда колбаса кўп! Ҳаммаси сизники бўлади! Ура!

— Ура! — дея қичқиришди ватандошлар.

— Олға! — дея бақирди отлиқ армия лейтенанти Зўрсичқон. — Қуролланинг!

Ғалати бўлди. Ҳозиргина ҳеч ким жанг қилмоқчи эмас эди, энди бирданига ҳамма уруш тарафдори бўлиб қолди. Нега шундай бўлди? Ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмас эди.

— Хуллас, кафолат одамчалари, шай бўлиб туринглар, — дея гапини тугатди сичқонча. — Мен сизларга қарши жанг қилмоқчи эмасман.

— Менга қара, — деди Музлатарин. — Ораларингда ким ақлли? Елим тўқишни ким ўйлаб чиқарди? Симни тўқишни-чи?

— Мен топганман,— деди сичқонча.— Техникага унчамунча уқувим бор.

— Раҳмат,— деди Сўнгги Ахборот.— Бизни жуда хурсанд қилиб юбординг.

— Қанақа техникага? — дея сўради Музлатарин.— Механик техникагами ё электротехниками?

— Унисигаям, бунисигаям. Мен Пионерлар саройида яшаганман.

— Соатга тушунасанми?

— Йўқ. Тушунмайман.

— Ўргатсак, ўрганасанми?

— Бўлмасам-чи! — деди сичқонча.— Яшасин қирол ҳазрати олийлари! Йўғ-е, аксинча: тушига мушук кирсин!

— Нима қилдик, олғами? — деди Сўнгги Ахборот.— Бориб Иван Ивановични қутқазамизми? Менимча, биз биринчи бўлиб ҳужум қилишимиз керак.

— Ҳеч қачон! — деди Музлатарин.— Ҳозир бормаймиз. Сичқонлар қоронғида мушукдан ҳам яхши кўришади. Борсак, ҳалок бўламиз. Тонг отишини кутамиз. Ҳозир эса келинлар, менинг ҳужрамни йиғнаб-йиғиштирамиз, нарсаларимизни тайёрлаб қўямиз.

Ҳужрани бирпасда йиғнаб-йиғиштириб бўлишди.

— Зўр! — деди Музлатарин.— Энди қурол-аслаҳа билан шуғулланамиз. Сенда нима бор? — деб сўради у Сўнгги Ахборотдан.

Радиосоз уста йўлтўрвасидан темир бочкача олди.

— Токли конденсатор. Агар манави симчалар бировга тегиб кетса борми,— деди у.— Бир уриб қулатади!

— Зўр! Хўш, сенинг нимаң бор? — дея сўради болакайдан Музлатарин.

— Ҳеч нарсам йўқ,— деди Чангютарин.— Манави бўлармикан? — У ёғли қоғозга ўроғлиқ алланарсани кўрсатди.

— Нима бу?

— Соат пружинаси. Тоб солинган пружина.

— Қайдан олдинг?

Чангютарин ерга қаради.

— Қизчаники.

— Ана холос! — дея ҳайрон бўлди Сўнгги Ахборот.— Бу нима қилиқ!

— Иван Ивановичга совға қилмоқчийдим, Балки қизча сезмас-а?

— Нега энди сезмас экан? — деди радиосоз уста.

— Иш бир чаппасига кетса кетаверар экан-да, — деди Музлатарин. Орага асабий жимлик чўкди. — Майли, нимаям қилардик, — дея давом этди холодильник устаси. — Лекин агар бошқармадагилар бу гапдан хабар топиб қолишса борми, теримизга сомон тиқишади-я!

— Жойига обориб қўяқолай бўлмаса? — деди Чангютарин.

— Энди кеч. Энди қайтага ёмон бўлади, — деди Сўнгни Ахборот.

— Қўявер, — деди Музлатарин. — Балки бир иложи топилар. Энди ҳамма ётиб ухласин. Ҳали тонг отишига анча бор.

Унинг ҳужраси бузилган, на диван, на каравот бфр эди. Шунинг учун ҳаммалари асбоб-ускуналару қурол-аслаҳалар солинган йўл тўрваларига бошларини қўйиб, полга чўзилишди. Енларида икки асир — Андрей Андреевичлар ҳам юмшоққина пишиллаб уйқуга кетишди.



Ўн олтинчи боб ҚИРОЛ САЛТАНАТИДАГИ ЭНГ ЗҶР ТИШ



сталар тиш-тирноғигача қуролланиб олган эдилар.

— Бўлди!— деди Музлатарин.— Энди олга! Яхшилаб қаранглар, ҳеч нарса эсимиздан чиқиб қолмасин.— У люк қопқоғини кўтара бошлади.

— У ерда сизни ушлаб олишмаса деб қўрқаман,— дея огоҳлантирди оқ сичқонча.

— Бўлиши мумкин,— дея бош ирғади Музлатарин.— Биз... мана бундай қиламиз... Эй бола, пружинангни буёққа бер.

Устанинг калласига келган гапни ҳамма тушунди.

Чангютарин йўлтўрвасидан ўроғлиқ оғиргина нарсани олиб узатди. Мойланган, сим билан маҳкам чирмаб бойланган нарса.

Ҳўп-па! Ўроғлиқ нарса пастга, ертўлага тап этиб тушди.

— Энди кутамиз.

Аввалига ертўлада жимжитлик эди. Кейин типир-типир қадам товушлари эшитилди. Чий-чийлаган овозлар чиқди.

— Мен топдим! Биринчи бўлиб мен кўрдим!— дея қичқирди Ғўрсичқон. Унинг жуда-жуда кавалериядан кетгиси, яна лейтенант бўлгиси келарди.

— Йўқ, мен топдим!— дея у билан тортишди лейтенант Зўрсичқон. У эса жон-жаҳди билан генералликка инти-

ларди. Ўзининг биринчи бўлиб кўрганини исботлаш учун ҳатто, худди тамал тошга чиққандай, ўроғлиқ нарса устига чиқиб ҳам олди.

— Йўқ, буни биз топдик! — дея қичқиришди яна аллақандай сичқон генераллари.

Майдон борган сари сичқонларга тўлиб кетди. Шовқин-сурон, қий-чув авжига чиқди.

Шу орада қирол келиб қолди. Ҳамма ҳар томонга тисарилиб, ўроғлиқ нарса олдига ўтиб олиш учун, қиролга йўл очиб берилди.

— Жаноби олийлари,— деди Ғўрсичқон.— Бу нарса тепадан тушди. Ҳаммаёғи мой.

— Югурганники эмас, буюрганники. Халқда шундай мақол бор,— деди қирол.— Менинг эса халққа ишонмасликка ҳозирча ҳеч қандай асосим йўқ.

— Симчани тантанали равишда ғажиб узишни кимга топширасиз? — дея сўради Ғўрсичқон.

— Бу симни ўзим кемириб узаман,— деди қирол.— Менинг тишим, турган гапки, салтанатимиздаги энг зўр тиш ҳисобланади.

— Тишларига раҳмим келяпти,— деди Музлатарин.— Бунақа пружиналар энг зўр немис пўлатидан қилинади-я.

Худди кимдир темирни темир билан арралаётганга ўхшаш овоз чиқди. Сўнгра даҳшатли жаранглашу тарақлаш эшитилди. Пружина сачраб атрофга отилди.

Пружина тобора кенгроқ майдонни эгаллаб борар, колбачи тарафдорлари армиясининг оддий аскарлари ҳам, генераллари ҳам пружина атрофида думалаб ётар, бир амаллаб ўрнидан турганлари, орқа-олдига қарамай, ура қочарди.

— Олга! — деди Музлатарин.

У люкдан пастга бир бўлак сим туширди. Усталар, худди йиғин пайтидаги ўт ўчирувчиларга ўхшаб, симдан сирғалиб ертўлага туша бошладилар. Сичқонлар шахрининг бош майдони бўм-бўш эди. Пашшайам йўқ.

Фақат автобусда ўтирган Иван Иванович хурсанд бўлиб илланима деб бақирарди. Усталар уни автобусдан тушириб олиб, қучоқлашиб кўришишди, кейин эса минг машаққат билан немис пружинасини бураб яна жойига — йиғноқ қолига келтиришди.

— Қалай маҳаллий халқ? Ёмонми? — дея суриштирди Музлатарин.

— Йўқ. Ғирт каллаварам бари, бошқа ҳеч нарса эмас,— деди Буре.— Мени боқиб туришди, ҳол-аҳволимни сўраб туришди. Агар қироли бўлмаса, қолганлари билан тил топишиш мумкин. Ҳа, тинчликми, йўлтўрваларингни кўтариб олибсизлар?

Унга Буре йўқлигида юқорида рўй берган ҳамма гапни айтиб беришди.

— Бундан чиқди, кетамизми? — деди Буре.

— Кетамиз. Иложи борича тезроқ,— деди Музлатарин.— Маҳаллий ҳафтафаҳмлар фаҳмлаб қолмасидан олдинроқ жўнаш керак.

— Машка қани?

Музлатарин пешонасига бир урди:

— Эсдан чиқарибмиз! Ҳозир топиб келаман.

У симга тирмашиб, юқорига ўрмалаб кетди. Люкка қайтиб кирди.

Қолганлар уни пастда кутиб ўтиришди.

— Машка йўқ! — деди Музлатарин бир неча фурсатдан сўнг бошини суқиб.— Ҳаммаёқни қарадим. Йўқолибди!

— Мен Машкани ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман,— дея оёқ тираб туриб олди Буре.— Оссанглар ҳам кетмайман.

— Иван Иванович,— деди Чангютарин.— Биз кетишимиз керак. Тепада бизни қизча излаб юрибди, бу ерда — сичқонлар. Бунақада ҳалок бўламиз.

— Машка бўлмаса, мен ҳалок бўламан...— Буре жуда хафа бўлиб, ўпкаси тўлди. Сал бўлмаса йиғлаворай деди.

— Ҳов,— деди Музлатарин радиосоз устага.— Нима қилдик энди?

— Нима қилардик,— деди радиосоз уста.— Ҳеч нима. Илгарироқ ўйлаш керак эди. Ҳозир у ҳақ. Каккуни ташлаб, ўзи шаҳарга кетиши мумкин эмас.

— Ундай бўлса буёққа чиқинглар,— деди Музлатарин.— Масалани ҳал қиламиз.

Кафолат одамчалари бирин-кетин холодильникка киришди.

Сичқонча Вася ҳам уларга эргашди.

— Бирор жойда яшириниб туришимиз керак,— деди Музлатарин.— Тагин қизча топиб олмасин. Сабр қилиш лозим.

— Ундан қаёққа ҳам қочиб қутулардик?— деди

Сўнгги Ахборот.— Зумраша шунақаям балоки! Чилчироққа чиқиб олсанг ҳам топади!

— Яхши фикр,— деди Музлатарин.— Нима дейсизлар? Чилчироққа чиқиб ўтирсак ҳам бўлади.

— Қандай қилиб? — деди Чангютарин.

— Шундай қилиб! — деди Музлатарин.— Сўрғичларни бекорга олиб юрибмизми?

У йўлтўрвасини олиб, резина сўрғичларни тўкиб ташлади.

— Навбатма-навбат чиқамиз. Биттамыз чиқиб олсак, сўрғичларни бошқамизга ташлаймиз.

— Уй эгалари-чи? — деди Буре.— Сезиб қолишса-чи? Ўхтиёт бўлинглар, тонг анча ёришиб қолди.

— Сезишмайди,— дея эътироз билдирди Музлатарин.— Ўрталабки уйқу ширин бўлади. Биринчи бўлиб Чангютарин чиқади. Кейин Буре. Кейин радиосоз билан иккаламиз. Сенга эса, Вася,— дея оқ сичқончага мурожаат қилди у.— Муҳим топшириқ бор. Сен бу ернинг паст-баландини, ҳамма тешик-тирқишларини биласан. Разведка қилиб кўричи, Машка қайга йўқолибдийкин? Машка деганимиз — соат каккуси.

— Асирларни нима қиламиз? — деди Чангютарин.

— Ҳеч нима. Ҳетаверишсин,— деди Музлатарин. Кейин сичқонлардан:

— Жанжал кўтариб юрмайсизларми? — деб сўради.

— Нима, бизлар касалмизми? — дея бараварига тилга кирди Андрей Андреевичлар.— Е мункиллаб қолганмизми? Виз ҳам сизларга Машканинг дарагини билиб келаемиз. Чунки бизга ёқиб қолдинглар.

Чангютарин сўрғичларни йиғиштириб олди-да, уларни оёқ-қўлларига кийиб, худди калтакесакка ўхшаб, девордан ўрмалаб юқорига чиқди, кейин шифтда қандилга қараб ўрмалаб кетди.

Чилчироққа етиб бориб, қандил қирғоғига ўтирди-да, оёқ-қўлидан сўрғичларни ечиб, пастга ташлади.

Кейин Буре, ундан кейин Сўнгги Ахборот чиқди.

Холодильник устаси чилчироққа энг охирида чиқди.

— Ҳаммаси жойида! — деди Музлатарин.

— Мана энди,— деди радиосоз уста.— Биз худди қопқонга тушдик-қолдик.

— Нега?

— Нега бўлса шунга. Хўш, бу ердан қандай қилиб тушамиз?! — деди у.— Сўрғичларни юқорига — қандилга отолмаймиз-ку?

Усталар, худди буйруқ олгандай, бараварига бошларини чангаллади:

— Войдод!

Аҳвол чиндан ҳам анча танг эди.





Эрталаб Татьяна ҳамма йўлақларни сиччиклаб кўздан кечириб чиқди.

— Ая, аяжон! Буёққа келинг,— деди у бир пайт.— Мина, одамчалар бор экан! Бор экан! Қаранг, излари турибди!

— Қанақа из бўлиши мумкин? — дея сўради Музлатрин радиосоз устага қараб.— Нима бало, сен отдан тушганмидинг?

— Йўқ, тушганим йўқ эдим. Фақат мен минган сичқонча пикана экан. Балки оёғим тегиб кетгандир.

— Сичқон панжасининг изи-ку, бу,— деди аяси хавотирланиб.— Булар одамчаларнинг изи эмас.

— Одамчаларнинг изи! — дея бақирди қизча.

— Турган-битгани бемаънилик! — деди аяси.— Уттиз йилдан бери шу ёруғ дунёда яшайман-у, аммо бунақасини ешитмаганман. Лекин сенга мушуквачча совға қилишим тийин.

— Мушукваччаям яхши! Одамчалар ҳам яхши! — дея ўзинга тушиб кетди қизалоқ.— Мен уларни, албатта топамин. Улар шу яқин-орада. Холодильник атрофида бекиниб ётишибди.

— Сен аввал нонушта қилиб ол,— деди аяси.— Кейин кичилаб ўйлаб кўр: агар улар сендан қочиб юришган бўлса уларни тутиб олиш яхши бўладими?

Қизча бирдан хафа бўлиб кетди:

— Биласизми, аяжон, ростданам яхши бўлмайди. Фақат улар қанақа яшашини бир кўргим келувди-да. Намунча уларни тутиб олгим келиб қолди — ўзим ҳам билмайман. Агар тутиб олсам, бир кўриб, қўйиб юборардим.

Инсоф билан айтганда, қизалоқнинг ёмон бўлаги — Жоҳила ҳар доим ҳам ғолиб чиқавермасди. Ўз кучини кўрсатиб қўйиш Оқиланинг ҳам қўлидан келарди.

Кафолат одамчалари чилчироқда ўтириб, бош қотирар эдилар: энди қандай қилиб пастга тушиш мумкин? Бу пистирмадан қандай қилиб чиқиб кетиш керак?

Уйда эса қизчанинг туғилган кунини нишонлашга тайёргарлик авжида эди. Нозу неъматлар олинди, поллар ювилди, қизалоқ Таня эса аясини ҳол-жонига қўймай жавварди:

— Аяжон, жо-он ая, холодильникни албатта суринг! — дер эди у. — Қаранг, орқасини роса чанг босиб кетибди!

— Топдим! — деди бирдан қандил четида ўтирган Музлатарин. — Йўли бор. Парашют ясаймиз.

— Қандай қилиб ясаймиз? — деди Сўнгги Ахборот. — Ахир материалимиз йўқ-ку?

— Материалнинг керагиям йўқ. Парашютни нитробўёқдан ясаймиз. Манави катта-катта лампочкаларни кўряпсизларми?

— Кўряпмиз.

— Ана шу лампочкаларнинг сиртига пуркагичда нитробўёқ пуркаб чиқамиз. Бўёқ қуриб, пленка ҳосил бўлади. Бўёқ аста кўчириб олинса, бас, қарабсизки, парашют тайёр!

— Ахир бўёқ шишага ёпишиб қолади-ку, — деди Сўнгги Ахборот. — Уни кўчириб олиб бўладими?

— Бу гапинг нотўғри, — деди Музлатарин. — Қара, лампочкага қанча чанг ўтирган. Бўёқ шишагача етиб бормайди... Қани, ишга тушдик!

У, уй эгалари аллақаяёққа кетишлари биланок, пуркагичли баллончасини олиб, лампочкаларнинг сиртига аста-секин, эҳтиёт бўлиб, бўёқ сепа бошлади. Қатлам-қатлам қилиб сепди. Нитробўёқ бирпасда қуриди. Одамчаларнинг шундоқ кўз олдида оппоқ парашютчалар ҳосил бўлди. Энди худди қўзиқорин пўстини арчгандай уни оҳиста, бешикаст кўчириб олиш қолди.

— Ура! — дея қичқирди Чангютарин.— Қутулиб кетдик. Нимага десангиз, қилдан ҳам ингичка сим калавадан чилвир яшаш қолди, холос. Бу эса жудаям осон иш.

Танянинг туғилган куни тўй бўлиб кетди. Меҳмонлар ипула айтишди, рақс тушишди, хуллас, ҳар хил ўйин-кулги қилишди. Қизалоққа нималар совға қилишмади, дейсиз! Қўғирчоқ ҳам, бўёқлар ҳам, юк автомобили ҳам, ни янги немис ўйинчоқ кир ювиш машинаси ҳам...

— Қизик,— деди Чангютарин.— Бу ўйинчоқлардаям кафолат одамчалари бормикан? Бир гаплашиб кўриш керак эди-да.

— Албатта, бўлиши керак,— деди Буре.

— Ўйинчоқларда бирор жон бўлишига ишонмайман,— деди Сўнгни Ахборот.— Ўйинчоқ борки, бола халқи ичак-чивағини ағдар-тўнтар қилиб ташлайди. Ўйинчоқда яшаш хавфли.

— Ая,— деди Таня.— Сиз нега менга ҳеч нарса совға қилмадингиз?

— Совға қиламан, қизалоғим, совға қиламан,— деди яси.— Ишхонамдаги ҳамкасабаларимнинг мушуклари боллабди. Ҳозирча бу мушукваччалар жудаям кичкина. Шаҳарга қайтиб боргунимизча катта бўлиб қолишади, ана ўшанда биттасини асраб оламиз. Ҳозир сенинг совғанг юролмайди, кўзлариям юмуқ, қизалоғим.

— Вой, аяжоним, мунча яхшисиз! — дея ўйноқлаб сакради Таня.— Ўзимнинг аяжоним бирам яхшила! Ҳар хил совғала олиб берадила! Ақлли аяжонимдан айланай!..

Ниҳоят кеч бўлди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Кейин аста-секин ойдин тун бошланди. Уйдагиларнинг ҳаммаси донг қотиб ухлаб қолишди.

Парашютларни тақиб олган кафолат одамчалари чилчироқ қирғоғида бир имога маҳтал бўлиб ўтиришарди.

Шу пайт тирноқчаларнинг қитир-қитири эшитилди, хона ўртасида оқ сичқонча Вася пайдо бўлди.

— Ҳой, кафолат одамчалари,— деди у.— Тушаверинглар, Машкаларинг қайдалигини мен биламан!

Одамчалар худди буйруқ берилгандай бараварига пастга шўнғишди.

Ташқари иссиқ, ғайриодатий эди. Ой чарақлаб турарди.

Одамлар йўлни чеккалаб юриб қишлоқнинг нариги томонига ўтиб олишди.

Сичқонча Васянинг хабар беришича, енгилтак какку Машка ўзининг бутун бўш вақтларини ана шу ерда, қишлоқ чеккасидаги бир уйда ўтказар экан. Нимага десангиз, бу уйдаям қадимги соат бор экан. Бу соатда ҳам каккуча бор экан. Бу каккучанинг оти Петька экан.

Кафолат одамчалари қалин ўт-ўланлар оралаб юришар, очиқ жойларда иложи борица ўзларини бегона кўзга кўрсатмасликка ҳаракат қилишар эди.

— Умримда биринчи марта бунақа жойлардан юришим,— деди Иван Иванович.

— Эҳ-ҳе, мен минг марта юрганман! — деди Сўнгни Ахборот.— Вертолётчиларимиз узоққа учолмайди. Илож қанча? Пиёда ё бўлмаса йўловчи машинада заводга етиб олиш керак бўлади.

Сўнгни Ахборот мушук ё бойқуш йўқмикан дея аланглаганча йўл очиб ҳаммадан олдинда борарди. У икки қўлида конденсаторнинг иккита симчасини найзадай қилиб ушлаб олган, конденсаторнинг ўзи эса йўлтўрвасида эди. Сафнинг охирида қўлида баллончалар ушлаб олган Музлатарин борарди.

Мушук ҳам, калхат ҳам чиқмади. Умуман айтарли саргузашт рўй бергани йўқ. Фақат бир кечикиб қолган бефаросат саёқ куркагина уларни чўқиламоқчи бўлиб кўрди. Аммо радиосоз уста унга симчаларини теккизган эди, ўн икки қадоқча келадиган курка шамол тезлигида аллақаяққа қочиб қолди.

Мана, чекка уйга ҳам етиб келишди. Эшиклар берк, деразалар михланган. Лекин сичқонча бу ердаги киришчиқиш йўлларини ёд биларди. Бориб, эшик остидаги полтахтани салгина кўтариб турди, одамчалар ичкарига кириб олишди.

— Биз олдин, то уй эгалари шаҳарга кетгунга қадар, шу ерда яшардик,— деди Вася.

Уй саранжом-саришта, бўм-бўш эди. Катта хонада қадимги соат осиглиқ турарди.

Одамчалар ғала-ғовур қилиб, бақириб-чақиринди, шунда тепадан уларнинг ёнига ип зинапояча тушди.

Хўжайин уйда экан. Бу чорпахил, оппоқ соқолли чол эди. У меҳмонларни пастки майдончада, бир қўли билан баҳайбат занжирбанд ўргимчакни ушлаб туриб, бир қўлида ёнаётган шам билан қарши олди.

- Жим! Тарс-турс, сенга айтяпман! Жойингга бор. Кимга айтяпман! — деди у ўргимчакка.

Ўргимчак норози оҳангда пўнғиллаганча инига кириб кетди, ўргимчак торларидан парда тутиб қўйилган соатнинг қон-қоронғи бурчаги унинг ини эди.

- Сергей Сергеевич Мозер,— дея ўзини таништирди меҳмон, кейин икки букилиб таъзим бажо келтирди.

У апил-тапил самоварни қайнатиб, мусофирларни меҳмон қилди. Лекин Машкани беришдан бутунлай бош тортди.

- Энди булар ошиқ-маъшуқ,— деди чол.— Ўзим чақириб олдим. Олдин сизларга Машка эди, энди менга Глашка бўлди. Бундан кейин ғафлатда қолманглар. Булар ўзи нди топишишди.

Чол жуда қизиқ чиқиб қолди. У ёлғизликка ўрганиб қолган эди, ёлғизликни ёши ўтиб қолган ўрмончилар ёки несларичилар қанчалик малол олмаса, бу ҳам шунчалик малол олмасди. Умуман у кўпроқ усталарга хос бўлмаган доҳқончароқ турмуш кечирарди. Ҳатто болалариям бор эди. Тўғрироғи қовоқ арилари.

Буренинг қафсаласи пир бўлиб қолди, аммо Чангютарин йўлини топди.

— Алмаштириб олсак бўладими? — дея сўради у чолдан.

Чол унга ишонқирамайроқ қия боқди:

- Нимага алмаштирмоқчисиз?

- Манавинга.— У шундай деб йўлтўрвасидан пружина чиқарди. Мозернинг кўзлари ўйнаб кетди. Асалари ўз йўлига, табиат ўз йўлига, нима бўлганда ҳам у уста эди. Соатнинг қанча вақтдан бери хизмат қилиб келаётганига, умуман ташқи кўринишига қараб, ёмон уста эмас эди, деса ҳам бўлади.

- Оббо, шумтакалар-эй! — деди чол.— Майли! Олақонлиглар бефаросатларингни!

У хонадан чиқиб, олақўз Машкани олиб келди. Каккуча Бурени кўриб, қанотларини тап-тап урди-да, хурсанд бўлиб, вогсининг елкасига бориб қўнди.

- Иш битди,— деди Музлатарин.— Яхши қолинг.

Мозер уларни зинапоягача кузатиб қўйди. Тарс-турсини ушлаб туриб, меҳмонларга оқ йўл тилаб қолди. Тонг ёриша бошлаган эди.

Хўш, энди нима қиламиз? — деди Буре улар уйдан чиққанларидан кейин.

— Буёғи осон,— деди Музлатарин.— Энг яқин катта йўлга чиқамиз. Йўл ёқасидаги масофа симёғочига белги қўямиз. Гул қўямиз. Кейин пойлаб ўтираверамиз.

— Нимани пойлаб ўтираверамиз?

— Ушанда кўрасизлар.

Мана, роппа-роса бир соатдан бери улар масофа симёғочи ёнида ўтиришибди. Симёғоч устида гул. Улар пойлаб ўтиришибди.

Шунда узоқдан «ғувв-ғувв-ув-ув» деган мотор овози эшитилди. Яп-янги, яқиндагина заводдан чиққан юк машинаси кўринди.

— Тайёрланиб турунглар! — дея буюрди Музлатарин.

Чиндан ҳам шу тобда юк машинаси пақ этди, шақ этди, чучкирди, силтанди-да, тезлигини кескин пасайтира бошлади. Худди масофа симёғочининг ёнига келганда машина таққа тўхтади.

Кабинадан ёшгина, ноқобилгина шофёр чиқди, капотни очиб, моторни кавлаштиришга тушди.

— Нимадан бўлсайкин бу? — дея энсасини қашлади у.— Туппа-тузук юриб келаётган эди-я! Яп-янги мотор бўлса! Ҳали кафолатиям тугамаган.


Ана шунда юк машинасининг моторидан, олдинги ғилдиракка ёнма-ён ип зинапояча тушди. Одамчалар йўлтўрваларини апил-тапил олиб, ўзларини ичкарига уришди. Албатта, Вася ҳам улар билан бирга кирди.

— Тезроқ, тезроқ! — дерди қора жомакор кийиб олган кичкинагина одамча. У юқорида турарди.

Йўловчилар бир мунча мой-пой бўлса ҳам ҳар қалай анча шинамгина ҳужра-устахонага кириб олдилар. Улар кирган заҳоти мезбон йўқолиб қолди. Бир-икки дақиқадан кейин мотор яна ашуласини бошлаб юборди, улар йўлга тушдилар.

Ўн саккизинчи боб
НИМА УЧУН БИЗ,
КАФОЛАТ ОДАМЧАЛАРИ ДУНЕДА ЯХ-
ШИ ЯШАЙМИЗ

Х



еч нарсага тушунмай қолдим,— деди Буре ҳужра эгаси қайтиб келгандан кейин.— Нима, сиз бизни олиб кетиш учун махсус келдингизми?

— Нимасини тушунмайсиз? — деди автосоз уста.— Белгини кўрдим, бўлди. Машинани тўхтатдим.

— Қандай қилиб тўхтатдингиз?

— Оппа-осон. Бензинни бекитиб қўйдим. Кейин яна очдим. Ҳамма нарсанинг ҳам йўли бор. Биринчи марта қилаётганим йўқ бу ишни.

— Шофёр билмадими?

— Шофёр қум тиқилиб қолибди, деб ўйлади. Йўлчилик. Нималар бўлмайди дейсиз!

— Мен сизни танидим,— деди Чангютарин.— Сиз Карданичсиз-а? Бизни чорбоққа олиб келган эдингиз-ку?

— Э, йўқ. Мен Рессоричман. Карданични танийман,— деди автосоз уста.— Бир паркда ишлаймиз. Яхшиси, ким қайга боради, шуни гапиринглар.

Одамлар ҳар бири ўз адресини айтди.

— Ҳамма нарсанинг ҳам йўли бор,— деди Рессорич.— Холодильник прокати бизнинг кўчада. Радио заводиям Ингинамизда. Карданич ўша ёққа қатнайди. Чангютгиларни ремонт қиладиган устахонаям қайдадир шу орада, йўлимиз устида. Лекин сиз қаерга борасиз? — деди у Бурега мурожаат қилиб.

Буре сичқончага қаради:

— Мен билан борасизми? — деб сўради.

— Бўлмасам-чи! — деди сичқонча Вася.

— Ундай бўлса бизни водопроводчи Петров кўчасига ташлаб ўтасиз.

— Бўпти,— деди Рессорич.— Фақат анча пайт мен билан бирга бўлиб туришингизга тўғри келади. Балки бир ҳафта. Балки икки ҳафта. У томонларга йўлимиз камдан-кам тушади. Уёқларда заводлар йўқ-да.

— Уйга қандай қилиб кирасизлар? — деди Музлатарин.

— Киришади,— деди Сўнгни Аҳборот.— Балкондан ошиб. Ё бўлмаса, чордоқдан киришар, уйни шамоллатиш учун қўйилган туйнукданми ё антеннадан осилиб тушиш-саям бўлади. Яхшиси, сен уларга ўзингнинг сўргичларингни бер.

— Тўғри айтасан,— деди Музлатарин.— Ма, Иван Иванович.

— Хўш, нима қилдик энди,— деди Буре.— Келинглар, ҳар эҳтимолга қарши хайрлашайлик. Сизларга жуда ўрганиб қолган эдим. Шунча вақт дўст бўлдик. Энди ўзимни етимча бўлиб қолаётгандай сезяпман.

— Хафа бўлманг,— деди Чангютарин.— Яна бирорта янги дўст келиб қолар. Масалан, кир ювиш машинасидаям келиши мумкин.

— Келадими, йўқми ҳали,— деди Буре.— Қолаверса, келсаям, то у билан апоқ-чапоқ бўлиб кетгунимизча, то бир-биримизга кўниккунимизча анча вақт ўтади. Энди бир-биримизга кўникдик деганда, уям сизларга ўхшаб кетиб қоладими...

— Бу гапингиз нотўғри, Иван Иванович,— деди Музлатарин.— Нима учун биз, кафолат одамчалари бу дунёда яхши яшаймиз, биласизми? Нимага десангиз, биз бир-биримизга кўникмаймиз, бир-биримиз билан дарҳол аҳил бўлиб кетамиз. Биз ҳар қандай устага ҳам худди уни умр бўйи биладигандай муомала қилиб кетаверамиз. Билгандаям, шунчаки эмас, худди яхши одам сифатида билгандай муомала қиламиз, тўғрими гапим, Рессорич?

— Нима қипти? Ҳамма нарсаниям йўли бор.

— Рессорич, мен сизга қаламтарош совға қилсам майлими? Ёки яп-янги қўлчиरोқми?

— Қаламтарошнинг менга ҳожати йўқ,— деди уста.— Лекин қўлчироқ бўлса йўқ демасдим. Кейин ачиниб юрмасангиз, майли, бераверинг.

Мотор ҳануз вағиллагани-вағиллаган эди. Ғилдираклар

остидаги йўл эса югургани-югурган эди. Музлатарин Бурени бир чеккага тортиб:

— Сиз, Иван Иванович, яхши бир иш қилишингиз мумкин,— деб қолди.— Шу чоққача сичқоннинг одамзотга эл бўлганини кўрганимиз йўқ. Ахир уларниям мурасага келтирса бўларкан-ку. Хўш, айтайлик, кучукдан сичқоннинг нимаси ёмон? Еки асаларидан?

— Тушундим,— деди Иван Иванович.— Ҳаракат қиламан.

Йўл эса ҳамон орқага қараб югургани-югурган эди. Борган сари йўлнинг таноби тортилгани-тортилган эди. Ҳамма нарсаниям йўли бор.





К

изалоқ Тая бутун чорбоқни ағдар-
тўнтар қилиб чиқди. Аммо одамчаларни топа олмади.
Бундан жудаям хафа бўлиб кетди. Кейин сал инсофгайм
келди.

— Ая,— деди у.— Энди одамчаларни бошқа ахтариб
юрмайман. Агар улар мендан атайлаб бекинишаётган бўлса,
нимага бекинишаётганини ўзлари билишар. Майли, ўз
билганларича яшайверишсин. Агар ўша одамчалар бор
бўлсаям, майли. Тушимга кирган бўлсаям, майли.

Шундай деб турганида, бирдан кўзи холодильник
тагидан чиқиб турган оппоқ қоғознинг бир четига тушиб
қолди. Қизалоқ уни олиб ўқиди:

«Ҳеч қандай одамчалар йўқ. Сен буларнинг ҳаммасини
тушингда кўрдинг. Лекин мушуквачча олиб беринг, деб
аянгни кўп қистама. И. И. Буре».

Иван Иванович яна соатда яшай бошлади. У, Машка,
сичқонча Вася. Уччалови. Маза қилиб яшашяпти. Жудаям
яхши. Жудаям зўр. Фақат Машка сал бошқачароқ бўлиб
қолди. Тухум қўядиган одат чиқарди. Кошки ўз инига қўй-
са, йўқ, уйма-уй учиб юриб, ҳар хил соатларга қўяди.
Нима ҳам қилардик, ахир у товуқ эмас, какку-да! Шундай
қилиб, ҳар хил уйда, ҳар хил соатларда бизнинг каккумиз
қўйган тухумларни бирин-кетин каккучалар очиб чиқа
бошлашди.

Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда замонавий
уйлардаги замонавий мебеллар орасида ёғочдан қилинган
оддий, каккули девор-соатлар анча-мунча кўпайиб қолди.

Сиз ҳам шуни пайқадингизми?